



Ахмадҷон Мелибоев

«СУВОРА»
СОҒИНЧИ

85.3
M-41

УБК 72
ББ
M-41
АХМАДЖОН МЕЛИБОЕВ

К

TOSHKENT DAVLAT MADANIYAT IN-TI
O'QUV ZALI

«СУВОРА» СОҒИНЧИ

TO'QUV ZALI
T. S.
A. H.
TOSHKENT DAVLAT MADANIYAT IN-TI
O'QUV ZALI
1208/01

Тошкент
«Янги аср авлоди»
2009

14/1000

Асрлар давомида бизга маънавий ҳамроҳ бўлиб келаётган машҳур куй-қўшиқларимиз бор. Уларда миллатнинг қалби, орзу-армонлари, ҳис-туйғулари ўз ифодасини топган. Мозийга назар ташласак, қўшиқ ҳамма замонларда ҳам одамларни яхшилик, эзгулик сари ундаган, оғир кунларда нажот йўлларини ёритиб турган. Ҳофизларнинг хонишлари озодлик курашларида одамларни жасоратга чорлаган.

Элга манзур қўшиқларни ҳофизларнинг неча-неча авлодлари куйлаб келишади. Бу қўшиқлар ижродан ижрога сайқал топиб, тингловчи кўнглининг бебаҳо мулкига айланади.

Шу тўғрида ўйлаганимда элимизнинг ардоқли ҳофизлари, бутун умрини саҳна санъатига бағишлаган Ҳалима Носирова, Комилжон Отаниёзов, Жўраҳон Султонов, Маъмуржон Узоқов, Отажон Худойшукуров каби бетакрор овоз соҳиблари ёдимга тушади. Улар яратган буюк маҳорат мактаблари миллий қўшиқчилик санъатимиз йўлларини ҳамон ёритиб турибди. Бу мунаввар йўлларда янги-янги ижрочилар камол топмоқда.

Ушбу китобчада бугун номи соғинч билан тилга олинadиган ҳофиз Отажон Худойшукуровнинг ҳаёти ва ижоди мисолида санъаткорнинг маънавий олами, саҳна маданияти, сўз масъулиятидан баҳс боради...

СУВОРА СОҒИНЧИ

Бу ривоятни ёшлигимда қишлоғимиз кексаларидан эшитганман, ҳали-ҳануз ёдимдан чиқмайди.

Қадим замонда бир мамлакатда овози жарангдор, ашула айтганда чор-атрофни титратиб, тош қотган дийдаларни ҳам ийитиб, хира тортган кўзларни очиб юборадиган даражада истеъдодли бир ҳофиз бўлган экан. Унинг юрак тафтини олувчи нолаларини тинглаш учун ўзга юртлардан ҳам мухлислар келишар экан. Тўй-ҳашамлар, сайллар унингсиз ўтмас экан.

Кунларнинг бирида айғоқчилар ҳукмдорга ўша ҳофиз замондан, золимларнинг зулмидан нолиб, исёнкор бир қўшиқни куйлай бошлаганини етказишибди. Ҳукмдор мулозимларига тайинлабди: «Бу ношукур ҳофиз шу қўшиғини яна бир марта айтадиган бўлса, бошини танасидан жудо қилинлар».

Орадан бир мунча вақт ўтибди. Бир куни ҳукмдор вазирлари билан шикорга чиқибди, аммо ўша куни ови бароридан келмай, ёмон бир кайфиятда изига қайтибди. Йўлда келаётса, бир тепалик ёнига тумонат одам йиғилиб, қўшиқ тинглашаётган эмиш. Яқинроқ келганларида маълум бўлибдики, ўша ношукур ҳофиз ҳукмдор тақиқлаган қўшиқни бор вужуди билан куйлаётган экан.

Ҳукмдор жаҳл билан ёнидаги вазирга ўгирилибди. Вазир ов пайти ўлжанинг терисини шиладиган қассобни ёнига олиб, отининг бошини тепалик томонга бурибди. Аммо жуда ҳаяллаб кетибди. Ҳукмдор тоқатсизланиб, уларни кута бошлабди. Бир маҳал вазир бошини қуйи солганча қайтиб келибди.

ISBN 978-9943-08-514-5

© Аҳмаджон Мелибоев, «Сувора» соғинчи». «Янги аср авлоди», 2009 йил

— Хўш, бадкирдорнинг бошини олдингми? — сўрабди ҳукмдор вазирдан.

— Бир қошиқ қонимдан ўтинг, бошини ололмадим, — дебди вазир.

— Нечун?

— Бизни кўриб ҳофиз бир хониш қилди, бир хониш қилди, ашуланинг авжини шунақа зўр олдики, мумдай эриб кетдим, йиғидан ўзимни тутолмай қолдим. Армонлари ушалмай бу ёруғ оламдан ўтиб кетган ота-онам ёдимга тушди. Унинг ўрнига мени жазоланг, розиман...

Вазир шундай деб, ўзини ҳукмдорнинг оёқлари остига отибди...

Бу — бир ривоят. Аммо замирида жуда катта маъно бор.

Буниси энди ривоят эмас. Туғилиб ўсган қишлоғим Сафед Булонда санъатни жуда қадрлашади. Унча-мунча кўшиқчидан қолишмайдиган, аския, рақс ёки ҳофизликни ўрнига қўядиганлар бу ерда жуда кўп. Қишлоқда бўладиган тўйларга номдор ҳофизларнинг келиши ҳам оддий бир ҳол бўлиб қолган.

Бир йили тўйлардан бирига машҳур кўшиқчи Бобомурод Ҳамдамов келибди. Кечқурунги базм жуда файзли ўтибди. Тўйга келган санъаткорлар асосан базм туғаши биланоқ, ҳисоб-китоб қилиб, йўлга равона бўлишади. Аммо Бобомурод ака: «Бу ерда қадимий зиёратгоҳ жой бор экан, кўрмай кетсак дуруст бўлмас», деб ўша куни қишлоқда қолиб, қўноқ бўлибди. Эртасига эрталаб нонушта қилгани тўйхонага келган оқсоқолларга (Бизда таомил шундай) Бобомурод ака Огаҳий, Махтумқули шеърлари билан айтиладиган беш-олтита кўшиқ куйлаб берибди. Қишлоғимизда XI асрда қорахонийлар даврида қурилган, Ислом дини ва маданиятининг Мовароуннаҳрга кириб келиши билан бевосита боғлиқ «Шоҳ Фозил» мақбараси ва яна бир неча муборак зиёратгоҳлар мавжуд. (Шоҳ Ҳаким Холиснинг 1994 йили

Гафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриётида чоп этилган «Сафед Булон қиссаси» китобида бу тўғрида муфассал маълумотлар бор). Ҳофиз бу жойларни зиёрат қилар экан, кексалардан устози Комилжон Отаниёзовга, сўнг шогирдларига, ундан кейин ўзига, фарзандларига дуо сўрабди. «Устозимиз кўпинча шундай қилар эдилар», деб тўй эгаси берган пулларни нуруний отахонларга улашибди.

Бу воқеага анча йиллар бўлди. Аммо сафедбулонликлар ҳали-ҳануз ўзидан аввал устозига, шогирдларига дуо сўраган Бобомурод акани ҳурмат билан эслаб юришади.

Яна бир воқеа. Урганч. Президентимиз Ислом Каримов иштирокида Султон Жалолиддин Мангубердига бағишланган тантанали йиғилиш бошланишига саноқли дақиқалар қолган. Махсус қурилган амфитеатр қаршисида жасур ватандошимизнинг салобатли ҳайкали буй чўзиб турибди. Шаҳарга оқшом кўниб, кўкда юлдузлар кўрина бошлади. Шу пайт мен билан ёнма-ён ўтирган Маркс Жуманиёзов: «Қаранг ёшулли, осмонга бир қаранг», деб кўли билан ҳайкал томонни кўрсатди. Қарасам, зуҳро юлдузи Жалолиддиннинг... боши узра порлаб турибди. Ҳайкал жойини аниқлаган архитектор буни атайин ҳисобга олганми-йўқми, бундан беҳабарман, аммо ўша пайтда бу табиий ҳодиса менга шу қадар таъсир қилдики, анча вақт ўйлаб, ўйимга ета олмай юрдим. Маркс оға бўлса тadbирдан сўнгги зиёфат чоғи янада аломат бир гапни айтиб, ҳайратимни оширди. У кишининг айтишича, ҳофиз Ҳожихон Болтаевни дафн қилишаётганида, қаердандир булбул учиб келиб, қабристон четидаги дарахтга кўниб, чунонан хониш қилган эканки, дафн маросимида келганлар йиғидан ўзларини тўхтата олмай қолишган экан...

Бу гапларни эслаётганимнинг боиси бор, албатта.

Ижодкор зиёдилар, хусусан санъаткорлар ҳаминша эл-юрт ардоғида бўлишган. Кўпчилигимиз фарзандларимиз

вояга етишини, эл олдига дастурхон ёзиб, тўйимизга номдор қўшиқчиларни таклиф этишни орзу қилиб юрамиз. Бу энди, шунчаки ном чиқариш орзуси эмас. Ҳақиқий санъаткор азал-азалдан миллатнинг фахри-ғурури ва, айни пайтда, эл-юрт хизматкори ҳисобланган. Ҳофизлар яхши-ёмон кунларда халқ билан бирга бўлиб, уларнинг дардига дарддош, сирига сирдош, орзу-умидларига умиддош бўлишган, куй-қўшиқлари билан қалбларига ҳаёт завқини солишган.

Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири Эркин Воҳидовнинг: «Халқ устозим, мен унга толиб, сўз дурларин термоқдир ишим, Одамларнинг ўзидан олиб, одамларга бермоқдир ишим», деган машҳур тўртлиги бор. Санъаткор ҳам шундай. Унинг умри саҳнада, тўй-томошада, сайилларда, феъл-атвори, дунёқараши турлича бўлган одамлар ичида ўтади, уларнинг эзгу амалларидан илҳом олади, кейин эса шу илҳомни қўшиққа айлантириб, яна ўзларига қайтаради.

Ҳақиқий санъаткор элдан узоқлашмай, унинг қалбига қулоқ тутаяди, кўнгил эҳтиёжларини англашга ҳаракат қилади. Қўшиқларида шу эҳтиёжни ҳисобга олади.

Санъаткорнинг саҳнадаги, оила ва маҳалладаги ҳаёти одамлар кўз ўнгида кечади. Мухлислардан ҳеч нарсани яшириб бўлмайди. Обрў, ҳурмат-эътибор, иззат-икром бир умр йиғилади, аммо бир ноўрин ҳаракат, ножўя бир одобсизлик, такаббурлик, кибру ҳаво билан қўлдан бой берилади. Оллоҳ томонидан берилган ноёб истеъдодини халқига бахшида этган санъаткор зиммасидаги мана шу масъулиятни ҳеч қачон унутмаслиги керак. Ундан гўзал санъат асарлари, мафтункор қўшиқлар, маҳоратли ва ёқимли ижро билан бирга самимийлик, одамохунлик, камтар-камсуқумлик, устозларига ҳурмат, шогирдларга иззат, тинловчи мухлисларига эътибор ва яна кўплаб бошқа эзгу амаллар та-

лаб этилади. Мухлислар бу борада ўта шафқатсиз — санъаткор нечоғли номдор, маҳоратли бўлмасин, олқишлардан ҳаволаниб, ҳамду саноларга берилиб, оёғи ердан узилса, бас, шу ондаёқ унга мухлисликни йиғиштиришади.

Бундай ҳолга тушиб, афсус-надоматда юрганлар оз эмас. Обрўга қўнган доғни кетгизиш эса ўта қийин. Санъаткор камтарин бўлса, унга ҳамиша ҳурмат-эҳтиром кўрсатилади. Одамлар пойтахтга номдор ҳофизу ҳофизаларнинг қўшиқларини тинглаш учун мамлакатимизнинг энг чекка туманларидан келишади, тўй-ҳашамларда эгниларига тўн ёпиб, уйларининг тўридан жой беришади.

Санъаткор яна миллатпарвар, ғурурли, ориятли бўлиши керак. У халқнинг ҳурмат-эътибори, меҳри, олқишлари боис элда ном қозонаётганини унутмаслиги зарур. Ориятли санъаткор дуч келган жойда дуч келган нарсани куйламайди, ўз даражасини билади. Тингловчидан кўзини узмайди. Қўшиқ — миллатнинг қалби, маънавий кўзгуси, иймон-эътиқоди эканини ҳис этади. Оргидан келаётган шогирдлари унинг ҳар бир ҳатти-ҳаракатига баҳо беришини ҳисобга олади.

Элимизнинг ардоқли санъаткорлари Ҳалима Носирова, Шукур Бурхонов, Олим Хўжаев, Комилжон Отаниёзов, Жўраҳон Султонов, Маъмуржон Узоқов, Муроджон Аҳмедов, Ҳожихон Болтаев, Берта Давидова, Коммуна Исмоилова, Камолитдин Раҳимов, Шерали Жўраев, Отажон Худойшукуров, Муножот Йўлчиева, Муяссар Раззоқова ва шулар даражасидаги бошқа кўплаб ватандошларимиз тўғрисида ўйлаганимда, ҳар гал шу мулоҳазалар кўнглимдан ўтади.

Алишер Навоий замонида ҳам, бугунгидек, шоирлар кўп бўлган. Аммо ҳаёт ва ижодда маълум маънавий-ахлоқий мезонларга амал қилганлар, элга айтар сўзи, фикри борларигина халқнинг ёдида қолган, холос. Санъаткорнинг

тақдири ҳам шундай — энг муносибларигина қолади, бошқалари унутилади. Бу — ўта бешафқат танлов.

Элликқалъага, мавжли Ақчакўл соҳилларига биринчи бор келганимда, бу қадим юртда оддий халқ орасидан етишиб чиққан оддий бир ҳофиз Отажон Худойшукуров хотирасига кўрсатилаётган самимий эҳтиромни кўриб, бу хулосам янада қатъийлашган. Ватан, халқ, миллат шаънини баланд тутган инсонлар, касб-коридан қатъи назар, ҳеч қачон кам бўлмаслигига яна бир бор имон келтирганман. Айни шу ерда бошқа бир ҳолат хусусида ҳам ўйлаганим рост — хом сут эмган бандамизда, гоҳо адашамиз, тўғри йўллардан айро тушамиз, аммо ҳаёт деб аталмиш бу буюк хилқат асло адашмайди, вақт ўтиши билан кимнинг кимлиги, ниманинг нималиги, салмоғи, моҳияти, даражаси, қолдираётган излари кўзгуда акс этгандай аниқ-тиниқ аён бўлади. Дилида муҳаббатти, вафо-садоқати, ишқ-изтиробни йўқ, аммо туну кун айни шу йўқ нарсалар хусусида қулоғингизни қоматга келтираётганлар, ўз ғамида ҳар мақомга йўрғалаётганлар, ҳар кўчага бир-бир кириб чиқаётганлар — ҳофиз бўладими, шоир-ёзувчими, бастакор ё рассомми — орадан ҳеч қанча ўтмай, хотира саҳнасидан тушиб қолади. Бундайларни инсон кўнглида ҳеч нарса сунъий равишда ушлаб туролмайди. Бунга беҳисоб бойлик, мансаб-мартаба билан ҳам эришиб бўлмайди.

Адабиётшунос олим Матёқуб Қўшжонов хотира мақолаларидан бирида шундай ёзади: «Комилжон Отаниёвнинг овози тор овозидан кўра ҳам сирлироқ эди. У айтаётган ашула кенг атрофга таралар, акс-садо берар, гўё ашулани бир Отаниёзов эмас, бир неча Отаниёзовлар айтаётгандек туюларди... У шеърят сирларини ҳам яхши биларди. Ҳамкасблари ва шоғирдларининг бирортаси Навоий ёки Огаҳий ғазалларининг вазнини бузиб талаффуз қиладиган ёки сўзларини бузиб айтадиган бўлса, устозидан қаттиқ танбеҳ эшитарди. Шу маънода

кўпчилик ҳофизлар уни ўзларига устоз деб билардилар. Бирор бир кўшиқни ижро этишдан аввал Комилжон Отаниёзов ҳузурига бориб ёки устозни ўз хонадонига таклиф қилиб, сарпо кийдириб, ундан фотиҳа олишни ўзлари учун катта бахт деб ҳисоблардилар. Комилжон Отаниёвнинг шоғирдларидан бири Отажон Худойшукуровга берган маслаҳати бугун ҳам ўз аҳамиятини йўқотган эмас: «Ҳар қандай ашулани ўзингнинг кучинг етадиган пардада айтгин. Қўшиқ матнининг муаллифи билан бамаслаҳат иш тут. Агар мумтоз кўшиқларни куйламоқчи бўлсанг, улар устида синчковлик билан ишла. Шоирнинг шеър замиридаги мақсадини тўла тушуниб ол. Ана шундан кейингина кўшиқ ва куйни қиёмига етказасан. Чунки кўшиқ — сўз ва соз, маъно ва оҳанг уйғунлигидан яралади. Шундай қилсанг, куйлаган кўшиқларинг тингловчи қалбига етиб боради».

Устоз ҳофиз Бобомурод Ҳамдамов шундай эслайди: «Комилжон аканинг кўшиқ устидаги сермашаққат меҳнати кўз ўнгимдан кетмайди. Санъатга нописандлик билан енгил-елпи ашулалар тўқиб, давраларда арзон олқишлар оладиган санъаткорни, санъат моҳиятини англаб етмай кўлига тор олганларни кўриб қолса астойдил куюниб кетар эди...».

* * *

Ёқимли овози, беназир кўшиқлари билан мухлислари қалбини ром этган, ҳали-ҳануз давраларда номин ҳурмат билан тилга олинадиган ҳофиз Отажон Худойшукуров билан бўлган бир учрашув сира ёдимдан чиқмайди.

Ўтган асрнинг етмишинчи йиллари, ёшлар газетасида чарчоқ нималигини билмай елиб-югуриб ишлаётган кезларим. Бир гал мени ёшлар ҳаётидан мақола ёзиб келиш учун Қорақалпоғистоннинг Тўрткўл туманига жўнатишди. Дорилфунуннинг журналистика факултетидан бирга ўқиган касбдошларим Гулчеҳра Раҳимова,

Ширин Раззоқова ёрдамида кўп одамлар билан суҳбатлашдим. Бу қадим ўлканинг ўзига хос жиҳатлари, урф-одатлари, меҳмоннавозлиги мени ҳайратга солди. Аммо Тошкентга қайтадиган куним осмон тоғораси тешилиб, икки кун тинимсиз, худди тегирмоннинг новидан тушаётгандай шовқин солиб ёмғир ёғди. Дўл ердан анча кўтарилиб қолган экин-тикинни янчиб ташлади. Кўчаларни сув босди. Уйларнинг тоmidан ўтаётган чакка руҳингга ёмон таъсир қилади, кайфиятингни аёвсиз эзгилайди. Вақт имиллаб ўтади. Шундай бўлса-да, кийим-бошим жиққа ҳўл бўлишига қарамай, ҳосил далаларида табиий офат билан курашаётган, сел йўлини тўсаётган одамларнинг олдига бориб, улар билан ҳам мулоқотда бўлдим. Ниҳоят, ёмғир тиниб, уфқнинг бир четидан куёш мўралади. Эртасига эрталаб «Ан-24» самолётида Тўрткўл аэропортидан Тошкентга учдик.

Самолётда Отажон Худойшукуровни кўриб қолдим. Икки юзи қизил, енги калта қизгиш кўйлак кийиб олган. Ёнида созандалари. Кайфиятлари аъло, кулишиб, чақчақлашиб келишяпти. Бир вақт стюардесса қиз: «Ҳурматли йўловчилар, яна ўн минутдан кейин самолётимиз Бухоро аэропортига келиб қўнади», деб қолди.

Қўндик. Шу ернинг ўзида ҳофизни мухлислар ўраб олишди. Отажон уларнинг саволларига жавоб қайтарар экан, кўринишидан биров дағалроқ таассурот қолдирадиган бу йигитнинг хуш одоби, ўзини тутиши, камтарин муомаласи эътиборимни тортди. Йўловчи аёллардан бири: «Кузда ёлғиз ўғлимни уйлантираман, тўйга айтсак келасизми?», деган эди, ҳофиз: «Худо ризқимизни қўшган бўлса, албатта, келамиз, опажон», деб жавоб берди.

Ҳаво айниб, самолётнинг учиши чўзилиб кетди. Бошқа рейслар ҳам кечиктирилди. Бундай пайтда кўнгилга ҳеч нарса сиғмайди, аэропортидаги бир ўриндиққа камида беш-олти киши тўғри келади. Кутиш залидаги

биргина телефонга яқинлашиб бўлмайди. У пайтлари бугунгидек қўл телефонлари гужонда дейсиз. Тошкентда кутаётганларнинг ҳам асаби таранглашаётган бўлса керак.

Мен ҳам асабийлашаман, таҳририятга эртароқ етиб бориб, ёзув столига ўтиришим, материални эртагача тайёрлашим керак. Нима қилишни билмай, уёқ-буёққа юраётган эдим, Отажон... қўлига торини олиб, қўшиқ бошлаб юборди. Шогирдлари унга жўр бўлишди.

Ҳали-ҳануз шу дилбар концертни эслаб юраман. Ўшанда мен Отажоннинг қўшиқларини у билан ёнмаён ўтириб тингладим, ўзига хос ижро маҳоратини кўрдим, қўшиқ сўзларини бузмай, аниқ-равшан ифода-лашидан мамнун бўлдим. Ва яна — самолёт учмай, ҳамманинг пешонаси тиришиб, битта гап кам, иккитаси кўплик қилиб турган пайт эди. Санъаткорлар Тошкентдаги муҳим бир тадбирга кеч қолишаётганди. Шундай бўлса-да, Отажон мухлисларнинг раъйини қайтармади. «Э, ўзимнинг ашулам чиқиб турибди-ку», деса бўларди. Йўқ, у бундай демади. Бамисоли шу бугун, шу ерда концерт бериши аввалдан режалаштирилгандай, яхши кайфиятда қўшиқ бошлади.

Албатта, биринчи тасаввур ҳамиша ҳам тўғри бўлавермайди. Ўшанда номи элда машҳур бу ҳофизнинг ижро маҳорати билан бирга ажиб бир самимияти, мухлисларига ҳурматидан кўнглимда бир ёруғлик пайдо бўлган эди. Комилжон Отаниёзовдай улуғ санъаткордан «Сиздан кейин саҳнада ким қолади?», деб сўраганларида, у киши хоразмча лутф билан айнан шу йигитчанинг номи-ни тилгани олгани бежиз эмаслигини ҳам тушундим. Бу — жуда катта ишонч, саҳна ҳаёти ниҳоясига етаётган, касаллик хуружи тобора вужудини исканжага олаётган кекса ҳофизнинг илинж-умиди эди чоғи. Кейинчалик бошқалардан ҳам шундай, шунга яқин фикр эшитдим. Ҳофиз билан узоқ йиллар куйлашган, дўст-қадрдон

бўлишган кишиларнинг хотиралари менинг тасаввурим янгиш эмаслигини тасдиқлади.

Шу ўринда озроқ «лирик чекиниш» қилишга тўғри келади. Камтарлик бўлмаса ҳам айтай — санъат соҳасидан жуда узоқ эмасман. Раҳматли дадам «Қаро кўзим»ни ҳамisha хиргойи қилиб юрардилар. Онам раҳматлининг халқ йўлидаги термаларини яхши эслайман. Катта акам Умархон ҳофиз номи билан элга ганилди. Машраб, Ҳувайдо ғазаллари билан айтадиган кўплаб қўшиқлари, «Ёзи ва Зебо», «Лайли ва Мажнун» дostonларидан парчалар республика радиосида тез-тез бериб борилади. Менинг ўзим ҳам ёшлигимда (Қадрдон дўстлар даврасида яқин-яқингача) «Аввалам бор севмагил эди...», «Таклиф этдим тонг билан дилдорни лола сайлига...», «Кел, эй маҳбуби матлубим, сенинг ёшинг ҳазор ўлсун...», деб бошланувчи машҳур қўшиқларни куйлаб юрганман. «Баёт бешинчи»ни ҳаваскор жамоаларнинг вилоят кўригида ижро этиб, мукофот ҳам олганман. Шунданми, қаерда қўшиқ тингласам, қўшиқ матнига, ҳофизнинг ижро маҳоратига, усулда барқарор туришига ва яна — одобига, муомаласига ва, ҳатто, фикрлаш даражасигача эътибор бераман. Уйда бўш қолсам ёки ёзув-чизувдан чарчасам, қўлимга дутор ёки доира олиб, озроқ машқ ҳам қиламан. Дала ҳовлимизда дунё халқларининг кўплаб чолғу асбобларини тўплаганман, кўплар билишади. Биргина доиранинг ўзи ўндан ортиқ. Шу сатрларни қоғозга тушираётганимда ҳамқиншловим Турсунбой Адашбоев Боку шаҳридан ажойиб бир доира олиб келди. «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивалида қатнашган Тўрабек мисрликларнинг дўмбрасини олиб келди. Бир чалиб кўрсангиз эди. Кечқурун уйга келганимда, хизмат сафарларидан қайтганимда, уларни бир-бир қўлимга олиб, ҳеч бўлмаса чертиб-чертиб қўяман. Бирортасига қўл теккизмасам, худди дадаси кўтармаган боладай, аразлаб, мунғайиб қараб

тургандай бўлишади. Уйимизга келган меҳмонларга билишса-ю билишмаса, қўлларига биттадан чолғу бериб, ўзим доирада, бирорта энгилроқ куйни биргалашиб чалишга ҳаракат қиламиз. Эҳ, бунинг завқига нима етсин.

Журналистлик фаолиятимда қўшиқ санъати муаммоларига алоҳида эътибор бераман. Ижро маҳорати, адабий диди, мусиқий саводи турлича бўлган профессионал ва ҳаваскор хонандаларни тинглар эканман, уларнинг ютуқ-камчиликлари, талаффуздаги сакталиклар, матнни тушунмаслик оқибатлари тўғрисида кўплаб мақолалар ёзганман. «Ҳандалак бўйликкинам...» дейилганида ҳандалакнинг ярим қарич бўйи эмас, унинг ёқимли, иштаҳани қитиқловчи ҳиди кўзда тутилади. Бир номдор ҳофиз «Қизил қондур сиришким-за, фарондур чеҳраи олим», деб тингловчининг энсасини қотирганида (Тилимизда «фарон» деган сўз йўқ), «Қизил қондур сиришким, зафарондур чеҳраи олим», деб тўғри ёзиб, газета орқали луқма ташлаганмиз. Албатта, хатоларни тузатишимиз керак, аммо бу билан ўралашиб қолмай, тингловчи маданиятига ҳам жиддий эътибор бермоқ лозим. Негаки, қўшиқчилигимиздаги камчиликларга ҳофизлар, бастакорлар эмас, маълум маънода тингловчилар ҳам айбдор. Жим тураверамиз, «Ҳой ҳофиз, ширнинг сўзларини нега бузясиз?», деб бирорта хонандани тўхтатмаймиз, изза қилмаймиз.

Адабиёт газетасида эълон қилинган «Гул ва фуфайка» сарлавҳали мақоламда айни шу мавзу қаламга олинган. «Истиқлол» санъат саройидаги концертлардан бирида қўшиқ тугаб-тугамай, бир йигит, эгнида фуфайка, соқоли ўсиқ, сочлари таралмаган, югурганича саҳнага чиқиб кетди. Ҳофизнинг ёнига келиб, гулни қўлига тутқазиб, қулогига бир нималарни уқдира бошлади. Бошқа бир концертда қўшиқ фонограммада ижро этилаётган экан, мухлислардан бири хонандани қучоқлаб, даст кўтарди. Залда қий-чув кўтарилди. Бундай ҳолатлар куй-

қўшиқ тинглаб маданий ҳордиқ чиқараман деган шина-
ванданинг асабига тегади.

Ёшлар газетасида ишлаб юрган кезларим тўй қўшиқ-
лари хусусида аччиққина бир мақола ёзган эдим. Таҳ-
ририят билан ижодий ҳамкорлик қилиб юрадиган бир
шоиртабиат йигитнинг тўйига борган эдик. Дастурхон-
га энди ош тортилганида, ҳовли четидаги каравотда
ўтирган ҳофизлар қўшиқ бошлаб қолишди:

*«Насиҳатим тингла, эй ўғлон,
Тўйингга келади яхши ҳам ёмон...».*

Ноқулай бир вазият юзага келди. Лаганга қўл чўзиш-
ни ҳам, чўзмасликни ҳам билмай туриб қолдик. Ўртада
хизмат қилиб юрган мутасаддилардан бири имо-ишора
қилиб, ҳофизларни тўхтатди. Лекин зум ўтмай бошқа,
янада антиқа «қўшиқ» бошланди:

*«Баъзилар ошингни ер,
Андан кейин бошингни ер...».*

Дастурхонга дуо ўқиб, ўрнимиздан турдик, бошқа
илож қолмади.

Бундай олақуроқ мисолларни яна кўплаб келтириш
мумкин. Воҳа қишлоқларидан бирида пойтахтдан бор-
ган анча обрўли бир «ҳофиз»нинг мана бундай қўшиғи-
ни тинглаганман:

*Тўйингизга бизлар келдик узо-оқлардан,
Ўтиб қанча йўллардаги тузо-оқлардан.
Қистиришга тугаб қолса долларингиз, во-ей,
Олиб чиқинг қўрадаги бузо-оқлардан...».*

Тўй-томошада, албатта, ҳазил-ҳузул бўлади, одам-
ларни кулдириш ҳам керак. Аммо санъаткор бошқалар-

ни кулдираман деб, ўзи кулгили аҳволга тушиб қолса,
бундан ёмони йўқ. Санъаткор ҳар қандай шароитда ҳам
ўз обрўсини, мавқеини сақлаб қолиши керак.

Бир йили, бундан чамаси ўттиз йилча аввал, Пар-
кент туманидаги Ҳисорак қишлоғига тўйга борганимиз
ҳали-ҳали ёдимда. Бир ажойиб тўй бўлган эди-да. Мух-
лислар тўйга Шерали Жўраев келишини эшитиб, роса
йиғилишган экан, бундан руҳланган ҳофиз Алишер На-
войи, Огаҳий, Фузулий ғазаллари билан айтиладиган
дилбар қўшиқларни жуда берилиб куйлади, мириқиб
эшитдик. Кейин... айтишув бошланди. Аёллар, ёшлар
чистон айтишни жуда қойиллатишар экан, бирлари бош-
лаб, бошқалари давом эттириб, бир-бирларига навбат
бермай, бўш келмай даврани роса қизитишди. Бир пайт
шаддод аёллардан бири Тошкентдан борган меҳмонлар,
яъни бизларга қараб, чистон айтиб қолди:

*«Меҳмонжонлар, омонмисиз,
Яхшимисиз, ёмонмисиз?
Чистон айтиб, беллашишга
Тайёрмисиз, айёрмисиз?..»*

Хотирамда қолганича ёзаяпман, маъноси тахминан
шундай эди. Гувв кулги кўтарилди. Ҳамма бизга қарай-
ди. Газетада унча-мунча шеъри чиқиб турадиган шоир
Шавкат Туробга қарасам, у ҳам нима дейишни билмай
турибди. Кутилмаганда... Шерали Жўраев микрофонни
менга тутқазиб, ўртага бошлаб қолса бўладим...

Хижолат тортганимдан аъзои баданимдан тер чиқиб
кетди. Аммо ўзимни тезда қўлга олдим, ҳофизга қараб
туриб, бир нималарни ўйлай бошладим. Ҳамма сукут
сақлаб турибди. «Чин дилингдан йиғласанг, сўқир кўздан
ёш чиқар», деганларидай, чистоннинг (Агар чистон деб
аташ мумкин бўлса) биринчи сатрини топдим: «Хаёлим-
ни тортди Шернинг (Шералининг) ғазаллари...». Икки

марта салмоқлаб такрорлаганимдан кейин, хайрият, иккинчи сатри ҳам келди: «...ғазаллари ҳамда Паркент гўзаллари». Бошланиши ёмон эмас, буюғини энди яхшилаб якунлаш керак: «Гўзалларни ғазалларнинг қанотида, олиб кетгум пойтахтимиз Тошкент сари...».

Гулдурос қарсақлар янгради, олқишлардан тўйхона ларзага келди. Бундан илҳомланиб, ҳозиргина дунёга келган тўртликни такрорладим:

*«Хайлимни тортди Шернинг ғазаллари,
Ғазаллари ҳамда Паркент гўзаллари.
Гўзалларни ғазалларнинг қанотида
Олиб кетгум пойтахтимиз Тошкент сари...».*

Олқишлар тинмаёқ, Шерали Жўраев менга жавоб қилишга чоғланди. Қоғозга бир нималарни қоралади ва микрофон ёнига келди:

*«Дуо кетган ўзи азал-азаллари,
Тузалмади бугун юрак касаллари.
Қўшиқни мен ўлиб-ўлиб куйладим-у
Шоир билан кетди Паркент гўзаллари...».*

Адабиёт газетасига муҳаррирлик қилар эканман, қўшиқчилик соҳасининг ўзига хос хусусиятларини, кўринмас, сезилмас жиҳатларини, ўта нозик қирраларини оз бўлса-да тушунишга ҳаракат қилдим. Мақолалар ёздим, маърузалар ўқидим. Айни шу мавзудаги йирик анжуманларда, баҳс-мунозараларда қатнашдим, соҳа мутахассисларини тингладим. Газетада кўплаб танқидий, таҳлилий мақолалар эълон қилдик. Шуларга таяниб, қўшиқчилик муаммолари, ҳозирларнинг ижро маҳорати, сахна одоби ва маданияти ҳақида бироз бўлса-да мулоҳаза юритишга ҳақим бор, деб ўйлайман.

Эллиқалгада Отажон Худойшукуров хотирасига бағишланган тадбирлар анча йиллардан бери узлуксиз

ўтказиб келинмоқда. Санъат, маданият, маънавиятга доир тадбирларда унинг номи, эзгу амаллари тилга олинади, шогирдлари ҳамон дилларга завқ-шавқ солувчи қўшиқларини куйлашади. Хотиралар бири-бирига улашиб кетади. Гап мусиқа санъатимизнинг қадим илдизлари, мақом йўллари. Огаҳий, Феруз каби боболаримизнинг мақом ижрочиларига муносабатига бориб тақалади, бугунги миллий эстрадаимизнинг ютуқ-камчиликларидан баҳс очилади ва, албатта, Комилжон Отаниёзов, Ҳожихон Болтаев, Отажон Худойшукуров каби устозларнинг бирор бир фазилати, ижро йўли, сахна одоби ёдга олинади.

Фақат шугина эмас. Ақчақўл бўйларига келган шоир-руёзувчилар, созандаю хонандалар, адабиётшунос ва қадимшунос олимлар маданий ва тарихий мерос, маънавий ҳаётимизнинг бугунги муаммолари, ижодкор зиёлиларнинг бурчи, адабиёт, санъат, халқ таълими, театр ва кино соҳасида бўлаётган ўзгаришлар, ёшлар тарбияси хусусида баҳс юритадилар, давра суҳбатлари қурядилар. Шундай суҳбатлардан бири таниқли шоир ва ёзувчи Эркин Самандаров таваллудининг 70 йиллиги муносабати билан Амударёнинг ҳар икки қирғоғида бўлиб ўтди. Ўшанда ҳамкасбимиз Шержон Машарипов муҳаррирлик қилаётган «Хива тонги» газетасида бир мақола ўқидим. Унда куюнчак газетхонлардан бири Хоразмда тўйлар яна авж пардасига кўтарилаётгани, исрофгарчиликка йўл қўйилаётгани, раққосаларнинг беҳаё қилиқлари, бойваччаларнинг ҳирсий ҳотамтойлиги тўғрисида ёзади. Эртаси куни мовий Ақчақўл бўйида жонон бир суҳбат бўлди. Эркин ака ўзининг машҳур «Хоразм фарзандиман» шеърини ўқиди. Нурбой Абдулҳаким ҳазрат Навоий боболаримизнинг табаррук ғазалларини дақиқана оҳангда куйлаб берди. Комил Аваз торни кўлига олиб, бир сайратди, бир сайратди. Мен эса... қўшиқнинг уфқга бош қўйишини томоша қилиб, сув юзида рақс тушаётган балиқчаларга даъвасим келиб, ён дафтарчада қўлим

га олдим. Бир вақтлар Сирдарё бўйида шоир Тўра Сулаймоннинг олтмиш йиллигини нишонлаётганимизда, тадбирга бироз аввалроқ келиб, бир тегирмон сув оқиб ўтадиган ариқда чўмилаётган шоир Азим Суюнга шеърый ҳазил ёзган эдим:

*«Бу ариқлар, сою сўқмоқлар
Не сирларни қилмаган ҳазм.
Шўхликларни шаҳарда қилиб,
Сирдарёда чўмилар Азим...».*

Бирданига шу сатрлар ёдимга тушиб қолди. Бойси Ошиқ Эркин кутилмаганда ечиниб, ўзини сувга отди. Шалоплатиб суза бошлади. Кечги шабадада рақс тушаётган балиқчаларнинг оромини бузди. Дарров шеър тўқидим:

*Ақчақўлда Ошиқ Эркин
Балиқ бўлиб сузди-я,
Шалоплатиб балиқларнинг
Ҳаловатин бузди-я.
Кўлда эмас, уйда шундай
«Сузинг» десак, жилмайиб,
Олтмиш бешда «сузини» не деб,
Баҳоналар тузди-я...».*

Демоқчиманки, Ақчақўл сафарлари ҳамиша адабиёт, санъат, маънавият, мумтоз мусиқа, фолклар қўшиқлари билан бевосита боғлиқ бўлади. Танловларда завқ билан куйлаётган ёш ҳофизларни эшитиб, уларнинг Отажондай юртдошларига меҳрларини ҳис қилиб, мусиқа-шунос Отаназар Матёқубов раҳбарлигида ўтказиладиган илмий-амалий анжуман қатнашчиларининг фикр-мулоҳазаларини тинглаб, ўзимга ўзим савол бераман:

— Отажон Худойшукуров феноменининг илдизи қаерда? Ақчақўл бўйларига бу қадар интилишимизнинг бойси нимада?

Бу саволларга оддийгина: «Санъатсевар халқмиз ахир, яхши ашула айтган ҳофизни ҳурмат қилиш қадим одатимиз», деб ҳам жавоб қайтариш мумкин. Аммо бундай жавобдан ҳеч нима ойдинлашмайди. Аниқ жавобни билиш ва англаш наинки бизга, санъат деб аталмиш муқаддас даргоҳга кириб келаётган ёш ижодкорларга ҳам керак, деб ўйлайман.

Шу маънода фикримни жамлаб, қоғозга тушира бошлайман:

*Санъаткор — миллатнинг маънавий элчиси.
Саҳна маданияти.
Устоз ва шогирдлик анъаналари.
Адабий-мусиқий савод.
Томошабинга ҳурмат.
Юлдузлик касали...*

Санъаткор чиндан ҳам миллатнинг маънавий элчиси ҳисобланади. Бу гапда асло муболаға йўқ. Биз хорижлик бирор бир қўшиқчини тинглаганимизда, мулоқот қилганимизда, унинг ижро маҳорати, қўшиқларидаги маъно, оҳангларидаги жило орқали ўша ҳофиз мансуб бўлган халқнинг маънавий олами, маданияти, ички дунёси, орзу-умидлари ҳақида тасаввурга эга бўламиз. Французлар Муножот Йўлчиевани, марҳум Турғун Алиматовни, италян ва испанлар Муяссар Раззоқовани, голландлар Юлдуз Усмоновани, немислар Севара Назархонни тинглашганида айнан шундай бўлади — ҳофизлар маданият элчилари сифатида саҳнадагина эмас, хорижий мамлакатларда ҳам халқимизнинг энг эзгу фазилятларини намоён қиладилар.

ЮНЕСКОнинг Париждаги бош қароргоҳида Тошкентнинг 2200 йиллигига бағишланган концертда Муножот Йўлчиева халқимизнинг неча асрлардан бери куйланиб келаётган машҳур қўшиқларини берилиб ижро этди. Телеоператорлар парижлик мухлисларнинг ҳайрат тўла нигоҳларида бир зум тўхтаб қолишади. Улар бутун вужудлари билан куй сеҳрига маст бўлиб, бу дунё-

нинг жамики ташвишларини унутиб, Шарқ, мақом деб аталмиш сирли бир ҳилқат салтанатига сингиб кетадилар. «Мен, табиийки, бу ноёб ашулаларнинг сўзлари маъносини тушунмайман, — дейди томошабинлардан бири. — Аммо уларни тинглар эканман, биздан жуда узоқда яшайдиган ўзбек халқининг қалбини, очиқ кўнглини, қадим маданиятини аниқ тасаввур этиб турибман...».

Бир йили «Берта Давидованинг жавоби» деган ихчамгина мақола ёзганман. Мумтоз қўшиқларимизнинг моҳир ижрочиси Берта опа Англияга гастрол сафарига борганида, у ерда яшайдиган муҳожирлар опа ижросидаги «Адашганман» қўшиғини кўзларида ёш билан такрор-такрор тинглашган экан. Гастрол сафари тугаши арафасида бир-иккита бойвачча опанинг олдига келиб: «Сиздан илтимос, шу ерда қолинг, хохлаган нарсангизни: мол-мулк дейсизми, уй-жой, машина, зеб-зийнат дейсизми, ҳаммасини муҳайё қиламиз, қолган умрингиз роҳат-фароҳатда ўтади» дейишганида, опа уларга қараб шундай жавоб қилган экан: «Ватандан, туғилиб-ўсган жойингиздан айрилиб қай аҳволга тушганингизни ўз кўзим билан кўриб турибман-ку. «Адашганман»ни куйлаганимда кўз ёшларингиз сел бўлиб оқди-ку. Нима, мен ҳам адашиб, сизлардай кўз ёши тўкиб юрайми? Йўқ, менга ҳеч нарса керак эмас, ҳамма нарсам бор».

Санъаткор маънавияти деганда бошқа кўп жиҳатлар қатори Берта опанинг мана шу муносиб жавоби ҳам кўзда тутилади.

Мамлакатимизда Ўзбекистон халқ артисти Камолиддин Раҳимовнинг қўшиқлари кириб бормаган хонадон бўлмаса керак. Машраб, Ҳувайдо, Эркин Воҳидов, Ҳабиб Саъдулла ғазалларини маромига етказиб куйлайдиган бу ҳофизнинг эл-юртда обрў-эътибор топиши, албатта, унинг юксак ижро маҳоратига боғлиқ. Шу билан бирга Камолиддин аканинг камтар ва камсуқумлиги, одамохун фазилати, машҳурликнинг бениҳоя юксак

чўққисига кўтарилса ҳам, кибру ҳавога берилмагани, калондимоғлик қилмагани, ҳаммани бирдай кўриши, лафзида туриши уни элда азиз қилди.

Ўзбекистон халқ ҳофизи, марҳум Очилхон Отахонов ҳақида ҳам айтиш мумкин. Устоз ҳофиз умрининг охиригача шон-шавкатга интилмай, ет-кизганига шукур дея пойтахт биқинидаги Янгийўл шаҳрида умргузаронлик қилди. Айтилган ерга бориб, сидқидилдан хизмат қилди, таъмагирлик кўчасига кирмади. Ўзбекистон халқ шоири Анвар Обиджоннинг Очилхон акага бағишланган ушбу шеъри фикримизнинг исботи бўла олади:

*Аҳли номард қилмишин ул мардоналарга куйладим,
Ёшлигимнинг хонишин шўх жононаларга куйладим,
Қисматимнинг нолишин лол-ҳайроналарга куйладим,
Дўстга дўстнинг ёнишин гоҳ парвоналарга куйладим,
Аҳли номард қилмишин ул мардоналарга куйладим.*

*Одами ноқис бўлур, лек олами ноқис эмас,
Бу тикон бежиз дегаймиз, аслида бежиз эмас,
Ўрганиш бизларга жоиз, ўргатиш жоиз эмас,
Не сабаб ҳофиз яралгай — билмаган ҳофиз эмас,
Ётмагил гафлат аро деб мастоналарга куйладим.*

*Не тилак қилсам умидим бир ўзингдан, эй Худо,
Кетса жон кетсин садога, қилма иймондин жудо,
Ростни деб қурбон бўлойин, этма ёлгонга фидо,
Асра миннат қасриданким, ошна қил содиқ гадо,
Юз буриб қошоналардан, вайроналарга куйладим.*

*Кун кўриб ўтди бировлар миллатин қони билан,
Мен ҳамон инграб яшарман миллатим номи билан,
Таскиним топдим Навоий, Машрабу Жомий билан,
Саждага бош ургали келдим умр шоми билан,
Ўзбегим, айтгил, қачон мен бегоналарга куйладим?!*

Саҳна маданияти — бу фазилат ҳар бир санъаткорда унинг ижод майдонидаги дастлабки қадамлари пайтидаёқ шакллана бошлаши керак. Бу маданиятнинг бениҳоя зарурлигини санъаткорнинг ўзи аввал бошдан тушуниши, ҳис этиши лозим.

Ўзбекистон халқ артисти, марҳум Наби Раҳимов бир гал айна шу мавзуда куюниб гапирган эди: «Саҳна — муқаддас жой. Театрдами, Санъат саройидами, бирор бир туман марказидаги ёки олис бир қишлоқдаги клубдами, очиқ майдондами, барибир, саҳна муқаддаслигича қолаверади. Бу жойга юзни ювмай чиқиш мукин эмас. Ана қаранг, «Хизмат кўрсатган артист» деган номи бор бу йигитчанинг, шими гижим, кўйлаги дазмолланмаган, ёқавайрон бир ҳолатда ашула айтаяпти, ёнидаги ўйинчи қизлардан қолишмай ликиллаётганига ўлайми. Санъаткор маданияти, одоби қаёқда қолди...».

Мухлислар санъаткорнинг наинки ёқимли овозига, айна чоғда одоби, маданияти, кийиниши, кўпчилик олдидан ўзини тутишига ҳам баҳо беради. Баъзан тушуниб бўлмаётгани — концертда хонанда қўшиқ куйлаётгани ё ялтир-юлтур либосларини, қадди-қоматини намойиш қилаётганими? Тўғри, саҳнага кийиниб, ясан-тусан қилиб чиқилади, аммо ҳар ишда бўлганидек, кийинишда, тақинчоқ тақишда ҳам меъёр бўлиши керак.

Бир телекўрсатувда санъаткорлардан бири ёш иқтидорли хонанда Ҳилола Ҳамидовага қараб: «Сиз шу, нима десам экан... саҳнада жуда ҳам тортинчоқ, жуда ҳам уятчансиз-да, нега шунақа уятчансиз-а, нима кераги бор-а шуни...» дегандай гап қилди. Бу гални у бироз қийнаиб айтди. Эҳтимол «Санъаткор саҳнада ўзини бемалол ҳис этиши, очилиб-сочилиб қўшиқ куйлаши лозим», демоқчи бўлгандир. Аммо гапидан «Санъаткорга уялиш ярашмайди», дегандай маъно чиқиб қолди. Хайрият, кўрсатув бошловчиси Мавлуда Асалхўжаева буни вақтида англаб: «Менга қолса, Ҳилолахон шундай камтар,

уятчан бўлганлари маъқул», деб фикр жиловини тўғри-лаб қўйди.

Худди шу кўрсатувнинг бошқа бир галгисида бошловчилар хонанда Дилдора Ниёзовадан кинода суратга тушиш истаги бор-йўқлигини сўрашди. Ўзининг бетакрор овози, ижро маҳорати билан мухлислар қалбини аллақачон ром этган бу санъаткорнинг жавоби мени тўлқинлантириб юборди. Дилдорахон: «Кинода суратга тушиш истагим йўқ эмас, аммо... Маликалар ролини ижро эта оладиган даражада чиройим йўқ. Замонавий шўх қизлар ролига ҳам тўғри келмайман, чунки енгил-так эмасман...», деди. Санъаткор маънавияти, одоби ва ҳуснини ифода этувчи бундан ортиқ гўзал жавоб бўлиши мумкин эмас.

Хонанда Рашид Холиқовнинг телекўрсатувларини алоҳида эътибор билан томоша қилганман. Бошловчининг ўзига хос назокати, вазмин ва ўринли мулоҳазалари, ўзидан анча кичик, ҳаваскор хонандаларга ҳам ҳурмат билан қараши, кўрсатув давомида уларга фикр-мулоҳазаларини эмин-эркин ифода этишларига имкон бериши ҳар жиҳатдан маъқул. Фақат бир мулоҳаза. Газетамизда эълон қилинган бир мақолада «Бола-бола, оқча бола, лаблари қаймоқча бола...» қабалидаги қўшиқлар аслида кимларга бағишланганлигини ошкора ёзган эдик. Янги йил арафасидаги кўрсатувлардан бирида айна шу қўшиқ мақталгани кўнгилни бироз хижил қилди. Газетамизни ўқишмаган экан-да, э афсус...

Устоз ва шогирдлик анъаналари. Азал-азалдан санъатда, бошқа соҳаларда, масалан оддий ҳунармандчиликда ҳам устоз-шогирд муносабатлари мавжуд бўлган. Устозлар шогирдларига касб-кор сирларини, машаққатларини яхши ниятда ўргатишган, ютуқ-камчиликларини рўйи-рост кўрсатишган. Шогирд ўзи тушунмайдиган, билмайдиган кўчага кириб қолса, уни бу йўлдан қайтаришган. Шогирдлар устозларининг тан-

беҳларини тўғри қабул қилишган, кўрсатган камчиликларини тузатишган.

Олтиариқда узоқ йиллар ўқитувчилик қилган Абдусаттор домла бундан анча йиллар аввал Абдуманноп аканинг тўйида катта ҳофизлар келгунча бир жуфт қўшиқ айтиб, даврани қизитгани ёдимда. Ўшанда ҳаваскор ҳофиз: «Мен усулдан чиқиб кетганим учун Маъмуржон Узоқовдан бир тарсаки еганман, аммо хафа бўлмаганман. Чунки устозим хатоларимни кўрсатиб берган», деган эди. Бугун эса ҳали бир ишни қойил қилиб улгурмаган ёш «юлдузча»лар ўзларини устоз мақомида кўрадилар.

Бир гал ёзувчиларнинг Дўрмондаги боғига қўқонлик хушовоз хонанда Муҳиддин Мамадалиев келиб қолди. Иброҳим Фафуров, Нурали Қобул, Мирпўлат Мирзо, Турсун Али ва мен шоир Азим Суённинг чорбоғи этагидаги ҳозирданоқ «Мингтерак» номини олган кўкаламзор майдонда баҳор қуёшига тобланиб, ҳазил-ҳузулга бой бир давра курдик. Муҳиддин ака қўлига торини олиб, гулдурак овозда Ноқис, Чархий, Чустий газалларига басталанган қўшиқларни чунонан куйладики, дил-дилдан берилиб тингладик. Баногоҳ, кўзим торнинг қорнидаги «П Г А 1931» деган ёзувга, дарз кетган жойларига тушиб қолди. Ҳофиз навбатдаги қўшиқни тугатганида, ундан шу саз ҳақида сўрадим. Муҳиддин ака бизга куйидагиларни гапириб берди:

«Ушбу саз менга устозим Таваккал Қодировдан қолган. У кишининг айтишича, озарбайжонлик усталар ясаган ушбу тор кўп йиллар давомида устоз Комилжон Отаниёзовнинг қўлида сайраган экан. Мана энди мен, шу улуғ устозларнинг руҳини шод қилиб, ҳар қўлимга олганимда уларнинг ҳақиға дуо қилиб, сўнг парда босаман. Бирор бир янги қўшиқни ёд олсам, аввало шу устозлардан мадад сўрайман. Уларни ҳамиша эслаб туришимиз керак... Бир йили Фарғонага Комилжон Отаниё-

зов, Қувондиқ Искандаров, Олмаҳон Ҳайитова, Жуманазар Бекжоновлар келишди. Зўр концертлар берилди, қўшиқ қўшиққа уланди. Бир пайт устозлардан бири Комилжон Отаниёзовга мурожаат қилиб: «Комилжон ака, сафимиздаги Таваккалжон сизнинг бир қўшиғингизни ёд олган экан, ижозат берсангиз, айтиб берса», деб қолди. Комилжон ака «Ҳовва, айтсин», деди. Таваккал ака Ноқис газали билан айтиладиган «Доғман»ни бироз ийманиб, лекин баланд пардада бошлади. Қувондиқ ака: «И-и, баланддан кетди-ку бола», деди. Бошқалар ҳам бироз ажаблангандай бўлишди. Аммо Таваккал ака ашулани қойилмақом қилиб яқунлади, авжини шунақа олдики, Комилжон ака тиззаларига уриб завқланди. Бу воқеани сизларга айтаётганимнинг боиси бор, — ҳикоясида давом этди Муҳиддин ака. — Устоз Таваккал Қодиров «Доғман»ни анча аввал ёд олган, аммо Комилжон аканинг ижозатисиз куйламай юрган экан. Мана сизга ҳурмат-эҳтиром. Яна бир воқеа. Таваккал ака оламдан ўтиб қолди. Дафн маросими куни Жўрахон Охунов бағри хун бўлиб йиғлади, «Таваккалсиз яшай олмасам керак», деди. Орадан йигирма тўрт кун ўтиб, Жўрахон ҳофизни ҳам тупроққа қўйдик...».

Муҳиддин аканинг бу маҳзун ҳикояларидан хўб таъсирландик. Ёдимга бир воқеа тушди. Ўтган асрнинг тўқсонинчи йиллари охирида Маданият ишлари вазирлигининг ташаббуси билан Марғилон шаҳрида ёш мақом ижрочиларининг устоз Маъмуржон Узоқов хотирасига бағишланган кўрик-танлови бўлиб ўтди. Ҳофизларнинг ижро маҳоратини баҳолайдиган ҳайъат аъзолари ичида мен ҳам бор эдим.

Танловнинг иккинчи куни. Маданият ва истироҳат боғининг файзи янада ошган. Мухлислар эрталабдан келиб, ёзги анфитеатрга жойлашиб олишган. Чеҳраларидан нур ёғилиб турган кекса отахонларнинг кўпи Маъмуржон ака билан ҳамсуҳбат бўлишган, қўшиқла-

рини жонли ижрода тинглашган эмасми, ҳар ижрога беихтиёр қўшилиб кетишади.

Бир пайт нуруний оқсоқоллардан бири менга юзланиб:

— Меҳмон, сизда бир оғиз гапимиз бор эди, — деб қолди. Хўб деб, у кишининг ортидан эргашдим. Боғ тўридаги сўрида ўтирган оқсоқолларнинг олдиларига келиб, ҳаммаларига салом бердим. Суҳбатимиз тезда қовушди. Орадан бироз ўтгандан кейин янги суҳбатдошларимдан бири аста кўнглини очди:

— Ушбу танловдан биз марғилонликлар, кўп миннатдор бўлдик. Аммо бир таклифимиз ҳам бор. Жўрахон Султонов — устоз, Маъмуржон ака — шоғирд, уларни бир-бирларидан ажратиб бўлмайди. Шу танлов ҳар иккалаларининг номи билан аталганида хўб иш бўларди-да, иним, нима дедингиз?...

— Яхши бўларди, бу таклифни мутасаддиларга, албатта, етказаман, дедим. Ўша куни кечқурун бу тўғрида ҳайъат аъзолари Фаттоҳхон Мамадалиев, Абдуҳошим Исмоилов, Эсон Лутфуллаев ва бошқаларга айтдим. Ҳамманинг фикри бир жойдан чиқди. Кейинги гал кўриктанлов низомида Жўрахон Султоновнинг ҳам номи пайдо бўлди.

* * *

Муסיқашунос олим Отаназар Матёқубовнинг номи санъат ихлосмандларига яхши таниш. Унинг «Мақомат» деб номланган китоби муסיқашуносликка доир илмий тадқиқотлар ичида алоҳида аҳамиятга эга бўлди. Муҳаммад Юсуф Баёнийнинг аввал «Танбур чизиги» деб номланган, кейинчалик мақом ноталари деб атала бошлаган катта ҳажмдаги машҳур қўлёзмасини илмий истеъмолга киритишда ҳам Отаназар Матёқубов кўп ишлар қилди. Устоз Матёқуб Қўшжонов «Мақомот» хусусида Фитрат домланинг «Қайғусинда виқор, виқоринда ҳасрат», деган фикрини сарлавҳага чиқариб, йирик бир мақола ёзди. Шу мақоладан бир иқтибос: «Машҳур

мақомчи Комилжон Отаниёзовни республиканинг ҳамма жойида — Бухорода ҳам, Қашқадарёда ҳам, Фарғона водийсида ҳам бир хил тушунишган ва бирдек қадрлашган. Бу фикрнинг бошқа бир исботи шуки, Бухоро ва Қўқон хонлиги ҳудудларидаги машҳур ҳофизларнинг аксарияти мақомларнинг Хоразм мактабидан таълим олишни ўзлари учун фахрли иш деб ҳисоблаганлар. Машҳур ҳофиз Жўрахон Султонов ва унинг шоғирдлари бир неча йиллаб Хоразмда туриб (демакки, яшаб), ижод билан шуғулланишгани маълум. Жаҳонга машҳур раққосамиз Тамарахоним хоразм рақсларини ўрганиш учун тўрт йил Хивада истиқомат қилган, Сафо Муғаннидан сабоқ олган. Тарихдан яна шу нарса аёнки, тошкентлик ҳофиз Мулла Тўйчининг устози бўлмиш Худойберди XIX аср бошида Хоразмда ўн саккиз йил истиқомат қилиб, мақом сирларини эгаллаган».

* * *

1998 йил эди чамамда. Қўшиқчи шоир Нормурод Нарзуллаев бетобланиб, касалхонага тушиб қолди. Кўргани бордим. Ҳукумат хастахонасининг анвойи гуллар, ноёб дарахтлар билан безанган ҳовлисида устоз ҳофиз Фаттоҳхон ака Мамадалиев қўлларини орқаларига қилиб, ўйчан бир ҳолатда айланиб юрган эканлар, кўришиб, суҳбатга тушиб кетдик. Ўшанда у киши «Мақом йўлларини яхши ўзлаштирганлар кўп эмас, шулардан биттаси Эсон Лутфуллаев, яна биттаси Маҳмуд Йўлдошев. Мулла Аҳмаджон, шуларга эътибор бериш керак, бундай одамлар, индамасангиз, бир чеккада юришаверади, ўзларича бир нима дейишмайди, ҳатто сизнинг олдингизга келишга ҳам ийманишади», дедилар ва кулиб давом этдилар:

— Яқинда Анжанга бораман деб, самолётга билет олувдим, учадиган куним радиода Маҳмуд ашула айтиб қолди. Радиони қулогимга қўйиб, эшитиб ўтираве-рибман, буёқда самолёт учиб кетиб бўпти. Биласизми,

бўладиганларини асраб-авайлаш керак, тўғри йўл кўрса-тиш керак. Жуда кўплар ўзини аққа-баққа уриб, адашиб кетади, йўлини тополмайди. Бир нима десанг, қулоғига илмайди. Жа баланд бўп кетишган...

Бу — Фаттоҳхон акадай улуғ устознинг шогирдларига бўлган беназир эҳтироми, айна чоғда, миллий санъатимиз равнақи йўлидаги самимий куюнчаклиги эди.

Ўшанда суҳбатимиз ўз-ўзидан санъаткорга устоз бўлиш масъулиятига кўчгани ҳам ёдимда. Миллий мумтоз қўшиқчилигимиз ривожига жуда катта ҳисса қўшган, эл-юртда обрў-эътибор қозонган, қанчадан-қанча ёш истеъдодларнинг бошини силаган Фаттоҳхон аканинг дил кечинмалари хотирамда қолди: «Кўплар бизни устоз, уста, дейишади, турли издиҳомларда ҳурматимизни бажо келтиришади. Аммо устоз бўлишнинг ўзи бўлмайди, жуда оғир иш. Алишер Навоий, Бобур, Машраб, Огаҳий каби улуғларнинг сўзларини тушуниб ўқиш, куйга солиш, маъносини бузмасдан айтиш учун, аввало, савод ҳам керак. Бировга: «Болам, ашулани бузиб айтаёсан, мана бу жойини мана бундоқ айтгин», десангиз, худо кўрсатмасин, бетингизга қараб туриб: «Уста, ўзингиз ҳам фалон ашуланинг фалон жойини мана бундоқ деб айтасиз-ку», деб қолса-я. Қўшиқчилигимизда чалкашликлар кўп. Афсуски, биров гапингга қулоқ солади, бошқа биров «ҳа» дейди-ю билганидан қолмайди...».

Ўша суҳбатда Фаттоҳхон акага, ўнғайсизроқ бўлса ҳам, шу саволни берганман:

— Баъзи таниқли, ёши бир жойга бориб қолган ҳофизларимиз ижросида ҳам маълум сакталиклар учрайди. Бордию ақли етган бир тингловчи ёки ҳаваскор қўшиқчи сизда ҳам шундай камчиликларни сезиб, юзингизга айтса, қандай қабул қиласиз?

Суҳбатдошимнинг чеҳраси ёришиб кетди.

— Жуда ҳам хурсанд бўлиб, ота-онасига раҳмат айтиб, бағримга босиб қабул қиламан, — деди устоз санъ-

аткор. — Мақом бу — тубсиз уммон, қирғоғи кўринмайдиган денгиз. Ҳеч ким охирига етдим, ҳаммасини билдим, қойил қилдим, деб айта олмайди. Ёшинг юздан ошса ҳам хатоларинг кўринади. Менинг ўзим ҳозиргача китоб варақлайман, жуда кўп ноёб сўзларнинг маъносини қидираман, топа олмасам, билганлардан сўрайман. Шогирдларимнинг овозига қулоқ тутаман, бир янгиликни кўрсам, хурсанд бўлиб кетаман. Қулоғингизга айтиб қўяй — улардан ўрганган жойларим ҳам йўқ эмас. Қолаверса, бунинг нимаси ёмон? Ўрганаман деган одам боласи тенгги шогирдидан ҳам ўрганаверади.

— Европани билмадим, аммо бизда, Шарқда азал-азалдан таомил шундай, — дейман у кишининг фикрларини тасдиқлаб. — «Бешиқдан қабргача илм изла», деб бежиз айтилмаган, ахир.

— Э, отангизга раҳмат, — деди Фаттоҳхон ака хурсанд бўлиб, — гапнинг индаллосини айтдингиз. Таомил шунақа. «Сўраб-сўраб ўрганган — олим, орланиб сўрамаган ўзига золим». Мана, гап қаерда. Бизда ҳозир энг катта муаммолардан бири — кўп қўшиқчиларимизнинг мусиқий саводи йўқ. Ўзларича тарақа-туруқ қилиб ётишибди. Устоз кўришмаган, бугун бу томонга, эртага қарасангиз бошқа томонга қараб йўргалашади. Яқинда тўйларга боравериб, овози хириллаб қолган бир хонандага: «Овозингни чарчатиб қўйибсан-ку, болам», десам, «Отахон, ҳозир ёшларга баланд пардалиги ёқади», дейди-я. Баланд парда нималигини билмайди ўзи...

Фаттоҳхон ака билан бўлган ушбу суҳбатимизни эслар эканман, у кишининг ташвишлари бугун ҳам саҳна санъатимизда жиддий муаммо бўлиб турганлигини тан олмай иложим йўқ. Бу гапни Фаттоҳхон ака ҳам, отахон ҳофиз Маъруфхўжа Баҳодиров ҳам кўп бор такрорлашган — авваллари шогирдлар устозларидан фотиҳа олишмагунча, кўпчиликнинг олдида оғиз очишмаган. Устозларни тинглаб, ашулани ичларида такрорлаб юришган.

Кейин-кейин жўровоз бўлиб куйлашган. Овозлари очилиб, тобига келиб, ижро маҳорати қиёмига етганидан кейингина саҳнага чиқишган. Бугунчи, иложи бўлса, бугун бошласа-ю, эрта оқшом концерт берса. Қўшиқни ўзи ёзса, ўзи унга куй басталаса, ўзи ижро этса...

2008 йили водийда адабиёт газетаси мухлислари билан бир қатор учрашувлар ўтказдик. Шулардан бири Намангандаги Санъат коллежида бўлиб ўтди. Миллий маданиятимиз, санъатимиз ривожига муносиб ҳисса қўшиб келаётган бу ўқув юртида таҳсил олаётган ёш талабаларнинг ютуқларини кўриб, фан-техника соҳасида ўз истеъдодларини намояндалаштирган вилоятнинг бошқа ёшларини назарда тутиб, ҳамроҳим, шоир Зиёвиддин Мансур бир гапни айтиб қолди: «Биз кўпинча ёшларга қарата: «Катталарга эргашишлар, улардан ўрганишлар», деймиз. Бу — тўғри гап, албатта. Аммо, бугун вилоятда, мамлакатимизнинг бошқа ҳудудларида шундай ёшларимиз етишиб чиқишдики, биз — катталар, ҳеч иккиланмай, улардан ҳам баъзи нарсаларни ўрганишимиз керак бўлади».

Бундан кўринадики, устоз-шоғирликда ёш муҳим эмас экан.

Марҳум ҳофиз Маъруфхўжа Баҳодировни эсладим, шу кишидан эшитган бир ибратли гапни китобхонларга илинмоқчиман.

Саксонинчи йилларнинг охирида Наманганда Бобораҳим Машраб ҳаёти ва ижодига бағишланган бир йилнинг бўлди. Ўша йилларнинг тамойилига кўра, йилгиликни машрабшунос ёки адабиётшунос олим эмас, вилоят партия қўмитасининг биринчи котиби олиб борди ва, табиийки, бир-икки ўринда озроқ «қовун» туширди. Маъруфхўжа ака пастда, энсалари қотса-да, бир нима демай ўтирдилар, аммо тадбир охирида қўл кўтариб, минбар ёнига келдилар. Ўша куни у кишидан эшитганимни бирор бир ўзгаришсиз ҳикоя қилиб бераман.

«Бундан беш-олти йил аввал қишлоғимизга қаердан-дир миллати поляк бўлган бир печкачи уста келиб қолди, — деб гап бошлади Маъруфхўжа ҳофиз. — Қўли гул экан, кўп хонадонларга голландча печка қуриб берди. Одамлар бири қўйиб, бири иш айтади, ҳеч кимга йўқ демайди, фалон сўм берасан, деб тихирлик ҳам қилмайди.

Бир куни шу устани уйга олиб келиб, «Полякжон болам, мана бу меҳмонхонани яхшилаб таъмирлаб бер, ҳақингни бераман», дедим. Хўб деб ишни бошлади. Уйда Машрабнинг китоби бор эди, сизлар ҳам кўргансизлар, китоб муқовасидаги суратда Машраб оловнинг ичидан чиқиб келаётгандай бўлади. Печкачи мендан: «Бу кимнинг сурати?», деб сўраб қолди. «Ҳай, сен ишингдан қолма, бу бир авлиёнинг расми, сен тушунмайсан», дедим. Бир нима демади, аммо расмга узоқ тикилиб қолди. Бир куни қарасам, устаси тушмагур, яхшигина рассом экан, Машрабнинг суратини қалин қоғозга катта қилиб чизибди. Кўриб оғзим очилиб қолди, ёпирай, худди тирик дейсиз. Таъмир ишлари тугаганидан кейин шу расмни уйнинг тўрига осиб қўйдим.

Бир куни десангиз, уйга олов тушди, ҳаммаёқ куйиб кул бўлди. Эртасига кириб қарасам, ё Парвардигор, ё қудратингдан, поляк уста чизган расмга олов тегмабди. Қандоқ бўлса, шундоқ турибди. Э, биродарлар, Машраб билан ҳазиллашиб бўлмайди, билиб-билмай гапиришимиз дуруст эмас. Ўзи олов-да, олов ҳам куйдира олмабди-я...».

* * *

Олтиариқ туманидаги деҳқон хўжаликларидан бирининг дала шийпонида узоқ йиллар қоровуллик қилган Ҳоким бува исмли оқсоқол билан кўп бор мулоқотда бўлганман. Бува ёшлигида Дилором исмли қизни яхши кўриб қолган, аммо унга уйланиш орзуси орзулигича

қолиб кетган экан. Шу боисми, дала юмушларидан бўш пайтлари шийпондаги ерсупага ёнбошлаб, кўзларини юмиб, ўзича ишқий қўшиқларни ҳазин овозда шунақанги хиргойи қиладики, эшитганингиз сари эшитганингиз келади. «Ёримнинг ишқида бир оҳ урдим, оҳ-оҳ, оҳим булутга бориб урилди, бечорани чок-чок қилиб, ерга қайтди, оҳ-оҳ, бошимдан кириб, оёғимдан чиқиб кетди. Ер куйди, ман куймайми, вой дод-ей...».

Машҳур ҳофиз Очилхон ака Отахонов устоз олим, академик Алибек Рустамов билан Олтиариққа боришганида, хўжалик раҳбари Абдубанноб ака меҳмонларни шийпонга бошлаб бориб, Ҳоким бува билан таништиради. Бува уларга қўлидаги таёғини «чалиб», қўшиқ куйлаб беради. Алибек ака кекса ошиқнинг нолаларини тинглар экан, Очилхон акага: «Эшитинг, мана шу жойини эшитинг, ҳақиқий ижро мана шунақа бўлади», дейди. Бу фикрни Очилхон ака ҳам маъқуллайди: «Оқсоқолдан бир-иккита нарса олдим, ўрганадиган жойларим бор экан...».

«Туркистон» саройида бўлиб ўтган концертлардан бирида ёш қўшиқчи «Смбилаю смбила...», деб куйлаб қолди. Шоирлардан бири унинг бу камчилигини тuzатмоқчи бўлиб, «Укажон, «Смбила эмас, «Сумбула», деган эди, ҳофизнинг пешонаси тиришди, «Сумбула» - «Смбила», нима фарқи бор, деди-ю биздан нари кетди.

Бир гал ҳамкасбим Ашурали Жўраев билан машҳур ҳофиз Фахриддин Умаровни кўргани Қибрайдаги ҳовлиларига борганимизда, Фахриддин ака Алишер Навоий сўзи билан айтиладиган газалдаги бир сўзнинг маъносини аниқлаш учун таниқли навоийшунос олимларга кўп бор мурожаат қилганини гапириб берган эди.

Шоир Туроб Тўла бир телекўрсатувда: «Шеърни ёнбошлаб ётиб ўқиб бўлмайди...», деган эди. Бу гап қўшиққа ҳам тегишли.

Муסיқий саводхонлик. Қўшиқ мусиқани ҳис этишдан бошланади. Ўтган асрнинг саксонинчи йиллари адоғи-

да Белгия ва Люксембургда Ўзбекистон маданияти кунлари ўтказилди. Европада машҳур «Баҳор» ансамблининг концертлари чоғи шарқ мумтоз мусиқасига қизиқадиган бир ёш олим мендан миллий қўшиқларимиздаги нола ва фиғоннинг фарқини сўраб қолса бўладими. Таржимон ёрдамида бир амаллаб тушунтириб берганман. Миллий қўшиқчилик санъатимизнинг бугунги қусурларидан бири мусиқа руҳини англамасликда кўрилади. Ёш ҳофизлар ижро пайти бир неча бор усулдан чиқиб кетишади, лекин бунга парво ҳам қилишмайди.

Бошқа бир қусур ҳам бор. Кун сайин кўпайиб, урчиб бораётган англи-енгсиз қўшиқларни эътибор бериб тингласангиз, кўплари мухлисларга ёд бўлиб кетган машҳур халқ қўшиқлари мусиқасининг бироз ўзгартирилган, «қайта ишланган», демакки, бузилган бир нусхаси эканлигини сезасиз. Матбуотимизда кўчирмакашлик тўғрисида қанча кўп ёзилаётганига қарамай, дурагай «қўшиқ»лар сони асло камаймаяпти.

Матн муаммоси. Одатда, мукаммал қўшиқ яхши шеър, муносиб куй ва маҳоратли ижро уйғунлигида туғилади. Бугунги қўшиқчилигимизга шунчаки энгил назар ташлаганда ҳам, матн муаммоси чидаб бўлмас даражага тушиб қолганлигини кўриш мумкин.

«Ўзбекистон овози» газетасининг 2009 йил, 17 март сонидида эълон қилинган «Кўпчиликни ўйлантираётган муаммо» рукни остида берилган мақолада айни шу хусусда бир неча мисоллар келтирилган. Мана, бугунги энг «илғор» қўшиқларнинг матни: «Оқ кўйлак, қора шимда, учрашув бор пешинда. Бир даста гул қўлимда, ола хуржун бўйнимда», «Дам-бадам, ҳаётда Вандам. Қизлар бизларга ҳеч беролмайди дам», «Ока беринг, телефониздан битта телефон қиволай. — Қўй укам, ўзи батарейка кам...».

Тингловчига шундай олақуроқ, алмойи-алжойи «қўшиқ»ларни ҳавола этишмоқда. Тўйларга бориб бўлмай қолди. Даврада кимлар ўтирибди — қўшиқчи-

нинг мутлақо иши йўқ, дуч келган ашулани хиргойи қилади. Мазмунига эътибор бермайди. Дурустгина ҳофизларимиздан бири узоқ йиллар давомида ёшлар тарбияси билан шугулланиб келган бир олимнинг 70 йиллик тўйида «Отажоним, сиздан айрилдим, онажоним, сизни соғиндим, олдингизга бора олмайман», деб узоқ нола қилди. Бошқа биттаси «Қизингизни менга берасиз, мен олмасам кимга берасиз...», деб ҳамманинг асабига тегди. Бундай пайтда фаросат ҳам ноёб фазилат эканлиги ёдга тушади.

Қўшиқлардан бирида «Ўзим ўсма кўяй қора қошинга» деган сўзлар бор. Гурурли, ориятли йигит, ошиқликда Мажнун ҳолига тушса ҳам бундай демайди. Бошқа бир қўшиқда ошиқ йигит: «**Майли, бошқа билан бахтли бўл, жоним...**», деб зорланади. «**Тўйинг кунни тўйиб йиғладим...**», дейди бошқа бир ошиқ. «**Ўзга ёринг муборак бўлсин, тушларимга кириб турсанг бас...**» — буни энди қандай тушуниш мумкин?

Бундай «қўшиқ»лардаги лирик қаҳрамон — ошиқ йигитнинг образи шундайки, севгилиси унга бевафолик (хиёнат) қилиб, бошқа бир йигитга турмушга чиқиб кетса ҳам парвойи фалак. «Бошқа билан бахтли бўлгин, жоним, ҳар замонда тушимга кириб турсанг бас», дейиш учун йигит киши анчайин бемор бўлиши керак. Гурурли ошиқ йигитлик гурурини оёқости қилган бевафони «жоним» деб, ундан кечирим сўрамайди.

Мана бу «қўшиқ»ни тинглаб кўринг: «**Гап отишдан бошқасига ярамайсиз...**», «**Чоршанбадан кейинга баҳонангиз кўп...**», «**Чоршанба-ю пайшанба, жума, Севдим нима, севмадим нима?...**».

Ошкора беҳаёлик.

Ва, ниҳоят, *юлдузлик касаллиги* хусусида. Мамлакатимизда миллий эстрада санъати ривожига алоҳида эътибор берилмоқда. Ёш истеъдод эгалари ўз маҳоратларини намоён этишлари учун зарур бўлган барча ша-

роитлар мавжуд. Мустақиллик, Наврўз, 8-Март каби умумхалқ байрамлари, шодиёна ва сайллар асосан ёшлар иштирокида ўтмоқда. Аммо...

Аммоси шуки, ёш ижрочиларимизнинг кўпчилиги орадан ҳеч қанча вақт ўтмай «юлдуз»лик касалига мубтало бўлишади. Кеча санъат остонасида атак-чечак қилиб турган ҳаваскор, қарабсизки, бир зумда етиб бўлмас юлдузга айланиб турибди-да. Пойтахтимиздаги ҳашаматли тўйхоналарга «бир ров»га келаётган санъаткорларимизга эътибор беринг — қўша-қўша машина, ёнларида тансоқчилар, кибру ҳаво. Фонограмма ёрдамида ҳаммани лақиллатиб, санъаткор обрўсини бир пул қилиб, беш-олтита қўшиқни «қуйлашади»-да, навбатдаги базмга ошиқишади.

Қайси йиллиги аниқ ёдимда йўқ. Бир кунни эрталабки наҳор ошдан чиқиб, таҳририятга келсам, сочларига оқ оралаган бир киши қабулхонада мени кутиб ўтирибди. Ҳасратидан чанг чиқади. Узоқ йиллар мактабда ўқитувчилик қилибди, ҳозир эса нафақада экан. «Тўнғич неварани уйламоқчимиз. Ҳофиз тайин бўлмай турибди. Унис у дейди, буниси бу, бошим қотиб кетди. Ўғлим ўртоқларига «Тўйимга фалончи артист келади», деб мақтаниб қўйган экан. Ўша фалончининг уйига бордим. Битта ёрдамчиси бор экан, жа катта сўради. Бунақа пул тушимга ҳам кирмаган. «Ҳой ука, сизлар бораверинглар, қараб турмаймиз, хурсанд қилиб жўнатамиз» десам, қулоқ солмайди. Бошқасига учрашсам, унис баттар оширди. «Мунчасини олдиндан берасиз», дейди...

Яқин-ўтмишда саҳна маданиятимизни юксак чўққиларга кўтарган, эл суйган ҳофизлар ҳам шундай қилишганми? Улар ҳам бугунгилардек, «юлдузлик» касалига чалинишганми? Фалон сўм берасиз, деб шарт қўйишганми? Тўйларда навбат талашиб, бир-бирларига ташлашишганми? Саҳнада истеъдодларидан кўра қадди-қоматларини, зеб-зийнатларини, телевиденида қўша-қўша

ҳовли жойларини, кийим-кечакларини ва, ҳатто, боқа-ётган эркатой кучукчаларини реклама қилишганми? Бир-бирлари тўғрисида ёлғон-яшиқ, уйдирма гаплар тарқатиб, обрўларини тўкишганми?

Йўқ, албатта. Улар бундай нарсаларни ҳаёлларига ҳам келтиришмаган. Халқ орасида Комилжон Отаниёзов, Маъмуржон Узоқов, Жўрахон Султонов, Муҳаммаджон Каримов (Мамат бува), Камолиддин Раҳимов ва яна бошқа кўплаб ҳофизларнинг саҳоват ва ҳимматлари тўғрисида кўп нақллар юради. Фаҳриддин Умаров, Хайрулла Лутфуллаев, Ўринбой Нуралиев, Қобилжон Юсупов, Солижон Маматов, Ўлмас Саиджонов, ака-ука Ваҳобовларни ҳам мухлислар айни шу жиҳатдан қадрлашади.

Бир йили машҳур ҳофизимиз Шерали Жўраев билан санъаткор одоби, маданияти, умуман, эзгу инсоний фазилатлар хусусида адабиёт газетаси учун суҳбат қилдик. Санъаткорнинг эл-юрт, тингловчи олдидаги масъулияти хусусидаги саволимга ҳофиз шундай жавоб қайтарди: «Санъаткор ўз санъати билан инсонларнинг камолотга етишишига, руҳ, кўнгил тарбиясига муайян маънода даҳлдор инсон. Яъни, бир яхши қўшиқ тингланган кишининг қалбида нималардир рўй бермоғи керак, ақл-идрокида инсоний бир туйғулар жонланиши ва, шунинг натижаси ўлароқ, у ўз ҳаётини, бу ёруғ дунёга нима учун келганлигини, ўзидан қандай из қолаётганини ўйламоғи лозим. Бир сўз билан айтганда, яхши санъаткор инсонларни инсонийликка, яхшиликка, эзгуликка даъват этиши, кўнглига, ҳаётига оз бўлса-да ёруғлик олиб кириши лозим.

Энди кўрайлик: санъатимизда бугун қандай манзара кўзга ташланади? Тўйларга борсангиз, ўзбекча деб айтилаётган қўшиқларнинг кўли туркча, туркча ҳам эмас — улар араблардан олишган. Бундай қўшиқлар бизнинг минг йилликлар давомида шаклланган миллий руҳимизга сингмайди, аксинча, зиён етказилади...».

Ҳофиз «Ўзингизга танқидий кўз билан ҳам қарай ола-сизми, катта ютуқлар кўзни бироз хиралаштириб қўймайдими?» деган маънодор саволимизга ҳам самимий жавоб қайтарди: «Халқимиз азал-азалдан санъат аҳлига, хусусан, ҳофизларга алоҳида ҳурмат-эҳтиром кўрсатиб келишган. Эл-юртда меҳр-эътибор қозонган ижрочиларни ўзларига яқин олиб, тўйларига, яхши кунларига таклиф этишган ёки шундай учрашувларни орзулаб юришган. Санъатдаги озми-кўпми меҳнатим боис, мен ҳам бундай муруватлардан четда эмасман. Таклиф кўп. Қаерга борсангиз, иззат-икромдасиз, ҳурматингизни жойига қўйишадди. Аммо, биласизми, бундай илтифотлар одамни гоҳо чалғитади, эркалатиб ҳам юборади. Илтифоту мақтовлар оғушида нима иш қилсангиз, нима сўз десангиз, тўғрига ўхшайди, ҳеч ким сизнинг фикрингизга қарши бир нима демайди. Аслида, сиз маълум хатоликларга йўл қўяётган, одоб чегарасидан чиқаётган бўласиз. Аммо бу хатоларингизни улар кўришмайди, кўришса ҳам сизга бир нима дейишмайди. Одамнинг юзи иссиқ-да. Даҳшатли жойи шунда. Мана шундай ҳолатлар бизни ҳам бироз эркалатиб қўйди шекилли-да (Ушбу суҳбат 1997 йили бўлган эди - М.А.). Ўзимга танқидий кўз билан қарашда мана шу ҳолатлар тўғрисида кўп ўйлайман. Ўзимиздан ўтган хатоларни вақтида англаб етмаганимизнинг боиси ҳам шунда. Болани эркалатиб катта қилганда тантиқ бўлиб қолгандай бир ҳолат-да бу ҳам. Камчилигимиз кўп, ҳаммамиз Аллоҳнинг бандасимиз...».

Суҳбатимиз бошқа мавзуларни ҳам қамраб олди. Чунончи, мен ҳофизнинг кўпдан-кўп расмий-норасмий шогирдларига муносабатига қизиқдим. «Бир маҳаллар бизга тақлид қилиб қўшиқ куйлаётган ёшларга қарата: «Куйла фақат ўз овозинг билан, қурбақадай бўлса ҳам ҳатто», деган сўзларни қўшиқ қилиб айтишимга тўғри келган, — дейди ҳофиз. — Шогирдларнинг бўлиши яхши, албатта. Бироқ устоз бўлиш масъулияти ҳам бор-да.

Шуни унутмаслик керак. Ва яна, менингча, устоз-шогирд муносабатларининг мақоми, меъёри бузилмаслиги муҳим. Меъёрни сақлай билган шогирдгина шогирд ҳисобланади. Бизнинг қўшиқларимизни айтиб, бизга ҳавас қилиб қўлига тор ушлаган, саҳнага чиққан, чиқётган ҳофизлар оз эмас. Баъзиларининг исмларини ҳам билмайман, ёдимда турмайди. Тирикчилик қилиб юришибди. Холбуки, санъат — амал-тақал қилиб тирикчилик ўтказадиган жой эмас. Шогирдлар орасида танбеҳлардан хулоса чиқариб, ҳаракат қилиб, изланиб, машаққат чекиб, ўз йўлларини топиб олганлар ҳам бор. Улардан хурсандман. Бошқалари эса ҳамон ўша эски йўлда юришибди. Баъзан ичим ачишиб кетади шундай «шогирдларга». Улар мен юриб бўлган йўлларда, кириб чиқиб кетган кўчаларда юришибди. Бунинг ҳеч кимга кераги йўқ. Шогирд устоздан, масалан, ашула айтиш сирини ўрганиши мумкин, аммо асл нухани такрорламасин, умрини беҳуда ўтказмасин. Мана, масалан, бир тўйда ёш ҳофиз бизнинг қўшиғимизни овозимизга, ижро йўлимизга тақлид қилиб айтиб турибди, дейлик. Биз кириб келамиз шу тўйга. Одамлар энди ашулани асл нухадан эшитишни хоҳлашади. Ҳалиги тақлидчи бўлса йўқ бўлиб турибди-да...».

Санъаткор одоби мавзусида Юлдуз Усмонова билан ҳам суҳбат қилганман. Мен хонандага айрим эътирозларимни билдирганимда, у «Ҳа, баъзан тўқликка шўхлик ҳам қиламиз-да», деб жавоб берганди.

Бир гуруҳ санъаткорлар билан Андижон сафарида бўлганимизда, бир тадбиркор йигитнинг номидан вакиллар келиб, Ўлмас Саиджоновни эртасига бўладиган тўйга таклиф қилишди. «Фалон соатга етиб борасиз, кечикмайсиз, уч-тўрт соат хизматда бўласиз, хўжайин қанча десангиз, ортиғи билан беради», дейишди улар. Ўлмас ака вакилларга мулоҳимлик билан жавоб қайтарди: «Раҳмат укажонлар, насиб қилса, бо-

шқа тўйларингизга келармиз. боришнинг сира иложи йўқ, дала меҳнаткашларига хизмат қилиш учун келганмиз...».

Вакиллар хизмат ҳақини икки баробар оширишди, аммо ҳофиз кўнмади...

Шу воқеа сабаб, баъзи санъаткорларга очиқ хат ёзишга қарор қилдим. Аммо, одамнинг юзи иссиқ-да, уларни жўнатмадим. Жўнатилмаган мактублар қуйидагилар эди.

«Санъаткор синглим!

Бугун сиз айни авж пардасидасиз, омад тулпориди, илҳом қанотида елдек учиб бормоқдасиз. Анвойи гуллар, ҳамду саноларнинг чеги-чегараси йўқ. Мухлис мухлисалар бир оғиз лутфингизга интизор. Тўй-томошаларда обрўйингиз баланд. Шундай экан, мендан лозимиди, сизни бирозгина тергаб қўйиш.

Ижодингизни анчадан бери кузатиб келаман. Саҳнага илк бор чиққан кезларингиз, устозларнинг дуолари ёдимда. Ўшанда кўпчилик сизни санъатимизнинг қуёшли келажаги деб умид қилишганди. Шундай бўлди ҳам. Қисқа вақт ичида эл-юртга танилдингиз. Устозлар назаридан ўтган дастлабки қўшиқларингиз ҳамон мароқ билан тингланади. Аммо, кейин-кейин сизда кўпчилик хонандаларимизга хос бир камчилик пайдо бўлди. Биласизми, нима? Сиз мусиқага, саҳна безакларига, кийимга жиддий эътибор берасиз. Аммо СЎЗга эътиборингиз жуда ҳам суст. Энг дилбар, латофатли сўзларимиз сизнинг ижроингизда бор тароватидан айрилади, қоришиқ бир лаҳжа домиди ярадор оҳудай типирчилайди. Тўғри талаффуз этилган, тўғри ургуланган СЎЗ, билсангиз, парвоз қилади, инсон қалбининг энг нозик, энг таъсирчан жойларига бориб урилади. Бу дунёда қўшиққа айланган СЎЗдан-да кучли, қудратли нарсанинг ўзи йўқ десам, ишонинг. Аксинча, чала-чучук ифодаланган, маъно қатлари ўринсиз титиб ташланган, сохта талаффуз

либоси мажбуран кийдирилган сўзлар эса, юракка эмас, пахса деворга бориб урилгандай бўлади. Кўксини чангаллаб нола қилади, нажот кутади. Афсуски, сиз буни ҳис этмайсиз. Мухлисларингиз нигоҳига қалқиб чиқаётган таажжуб шораларига диққатингиз йўқ.

Сўзга эътибор санъаткорнинг ижодий умрини узайтиради. Шу эътибор туфайли эл-юртда обрў топади. Сўзини билган — ўзини билади, деб бежиз айтишмаган. Бу ҳақиқатни ҳаммамиз, жумладан, сиз ҳам чуқур ўзлаштириб олишингиз керак».

* * *

«Санъаткор дўстим!

Қўшиқларингизни минг азоб билан тинглайман. Билсангиз, тинглаётиб... қийналиб кетаман. Негаки, пардани баланддан оласиз, бўриқиб, зўриқиб куйлайсиз. Куйлаётган сиз, аммо мен азоб чекаман. «Ишқилиб, қўшиқни омон-эсон тугатиб олсин-да», дея юрагимни ҳовуллаб ўтираман. Авжига келганингизда кўзимни чирт юмиб оламан.

Тингловчига раҳмингиз келсин, укажон!

Қўшиқ куйлаганда, аввало, ҳофизнинг ўзи роҳат қилсин, яйрасин. Яйраб, бутун вужуди ором олиб куйласа, қандоқ яхши.

Ўз овозингизда, ўз йўлингизда, имкониятингизни чамалаб куйланг. Сўзлар замиридаги маъноларни, шоирнинг мақсад-муддаосини тушуниб куйланг. Шундай қилсангиз, сизга ҳам, бизга ҳам осон бўлади. Акс ҳолда, умр ўтади, холос.

Бугун катта-кичик саҳналарда, базм оқиомларида зўриқиб-бўриқиб куйлаётган кўпгина қўшиқ ижрочилари, асосан кимгадир тақлид қилиш, унинг овозига, қочиримларига ўхшатиш йўлини танлаганлар. Кимдир узоқ изланиб, не-не машаққатлар билан ижро этган қўшиқларни худди шу йўсинда такрорлаётганлар оз эмас. Бу

— санъат ҳам, ижод ҳам эмас. Бу — барг ёзмайдиган, ниш урмайдиган, мева тугмайдиган кўчат!

Сиз ҳозир шу йўлнинг, шу кўчанинг бошида турибсиз. Қайтинг, ўз йўлингизни ахтаринг, биродар!».

* * *

«Сингилжон!

Қўшиқ айтиш — саҳнага чиқиб қичқириш эмас. Куйлаш бошқа, қичқириш бошқа. Бу икки тушунчани, назаримда, аралаштириб юбораётгандайсиз. Қўшиқ авжини атайин чўзиб, деярли қичқириққа айлантириб куйлаётган хонандани истеъдодли деб бўлмайди.

Фақат сизники эмас, бутун халқимизнинг мулки, бойлиги бўлган ноёб овозингизни асранг.

Най ҳақида бир шеър бор эди: «Най овози ёр овозими, Қайдан дилга бунча ёқади? — Бўлса бордир, най овози ҳам, Дилдан чиқиб, дилга оқади». Қўшиқ ҳам най овозидек, дилдан чиқиб дилга оқмоғи, кўнгил боғларига нақилланмоғи керак. Бунинг учун эса қичқириш шарт эмас».

* * *

«Қўшиқчи синглим!

Ашулаларингизда ортиқча насиҳат бор. Насиҳат яхши нарса, аммо унинг ҳам меъёри бўлиши керак. Тарбиячининг ўзи тарбияли бўлсин деймиз, яъни насиҳат қилувчи шу насиҳатларига аввало ўзи амал қилиши керак. Саҳнага ярим-яланғоч чиқиб, беҳаё қилиқлар қилиб, сўнг садоқат ва вафо тўғрисида ашула айтса, «Унча-мунча кўнгилхушлик — хиёнат эмас, буниси бўлмаса — униси», дея нола қилса, бу санъат эмас, санъатнинг кушандаси.

Ҳамма замонларда ҳам саҳна одоби бўлган, унга ҳаминша амал қилишган. Саҳнада одобсизлик қилиш — халққа, эл-юртга, санъаткорлик касбига нисбатан ҳур-

матсизлик ҳисобланган. Бугун бу муқаддас тушунчаларни аёвсиз равишда оёқости қилмоқдалар. Қўшиқ куйлашдан кўра қадди-қоматни, ялангоч елкаларни, кўкракларни кўз-кўз қилиш ошиб бормоқда. Бордию мақсад шу бўлса, бу ишни санъатни, қўшиқни аралаштирмай ҳам қилса бўлади-ку! Эл олдига чиқиб куйлашнинг гўзаллар танловидан наҳотки фарқи бўлмаса?».

* * *

«Муҳтарам ҳофиз!

Истеъдоди борлар қўшиқ куйлайди, йўқлар эса ўзлари ёқтирган қўшиқларни хиргойи қилиб юришади, деган гапни эшитганмисиз?

Нега сиз, биноийдек овозингиз бўла туриб, хиргойи қилиб қўшиқ айтасиз? Ахир, қўшиқда авж, даромад деган нарсалар бўлиши керак-ку! Чиройли мусиқа билан безанган қўшиқларингизда авж йўқ. Дилни ўртайдиган, жунбушга келтирадиган, вужудни уйғотадиган нола йўқ. Бошидан охиригача тургун бир сокинлик, одамни эзиб юборади.

Ҳофиз номингиз бор, овозингизни кўтаринг!».

* * *

«Қизиқчи биродарим!

Очиги, сизга мактуб ёзиш ниятим йўқ эди. Аммо катта саҳналаримиздан бирида бўлиб ўтган кулги кечангизни томоша қилиб, қизиқчилик санъатимизнинг бу қадар бачканалашиб кетганидан афсусландим. Наҳотки, неча минг йиллар давомида халқимизнинг маънавий мероси бўлиб келган қизиқчилик санъатимиз бугунга келиб бу қадар беҳаё, қўпол, очиқ-ошкора бўлиб кетган бўлса? Одамларни кулдириш учун оғизга нима келса айтиб, қўл билан кўрсатиб, ялангоч сўзларни янада ялангочлаш санъат эмаслигини тушуниш учун кўп ақл керак эмас.

Мени қийнаётган нарса, ўша кечангизда сиз айтган ибосиз ҳангомалар, суюқдан суюқ латифалар. Уларнинг бирортасини қогозга тушириб бўлмайди. Уятдан қогоз ҳам қизариб кетади..

Сиз эса, одамлар кулишати-ку, дея баттар авжсига чиқасиз. Томошабинлар орасида нуроний отахонлар, онахонлар, бўйга етиб қолган бокира қизлар ҳам борлиги хаёлингизга келмайди. Бир-икки жойда деярли алэиши даражасига етиб борганингизда бир гуруҳ томошабинлар бу беҳаёликдан тезроқ қутулиш мақсадида залдан чиқиб кетишганини наҳотки сезмадингиз?

Кулги деганлари сиз ўйлаганчалик жўн нарса эмас, у миллатнинг қиёфаси, ҳаё либоси, маънавий-ахлоқий даражасини белгиловчи ўзига хос кўзгу. Кулги даргалари — кекса устозлар бунни жуда чуқур англашган, тилнинг суяксизлигини унуттирмаган. Қаерда қандай гапириш керак, аскияда қайси пайровни танлаш, нимадан тийилиш лозимлигини унутмай, ялангочликка, дагалликка йўл қўймай эл-юртга хизмат қилишган. Ҳаё либоси улар санъатини безаб турган. Шу боис ҳам қизиқчиларни отахону онахонлар, қиз-жувонлар хижолат тортмай, уятдан қизармай, бирга-бирга тинглашган.

Бугун-чи? Баъзи қизиқчиларимизнинг «ижоди» олдида очиқ эротика филлари ҳам ҳеч гап бўлмай қолди. Бачканалик устига бачканалик, миллат шаънига, гурурига мутлақо тўғри келмайдиган ҳолатлар. Энг ёмони, бу соҳада беи-олтига кўйлакни йиртишига улгурган тажрибали қизиқчилар атрофидаги ҳаваскор шогирдчалар ҳам айни шу йўлни танлашди. Тўйларга бориб бўлмай қолди. Бирданига битта «қизиқчи» ўртага чиқади-да, алэишини бошлайди. Даврада кимлар ўтирибди — мутлақо иши йўқ, маймун бўлиб диконглайди, ит бўлиб ириллайди, сигир бўлиб мўрайди. Гаплари пойинтар-сойинтар, боз устига ошкора таъмагирлик.

Санъаткор бировни кулдираман деб, ўзи кулгили ҳолатга тушиб қолсаю, буни сезмаса, бу — фожеа. Ку-

лаётган шинавандаларга бир разм солинг. Тикилиброқ қарасангиз, улар орасида санъатингизга эмас, сизнинг бу аянчли аҳволингизга кулаётганлар ҳам бор.

Бу йўлдан қайтиш керак. Ўзингиз қайта олмасангиз, ҳеч бўлмаса, шогирдларингизга раҳмингиз келсин...».

* * *

Халқимизда «Устоз кўрмаган шогирд ҳар мақомга йўрғалар», деган мақол бор. Ҳар мақомга йўрғалаш —ижодда ўз йўли, ўз сўзи ва овозини топа олмай, дуч келган кўчага бирма-бир кириб чиқиш ва охир-оқибат, бор истеъдодини ҳам йўққа чиқариш дегани. Устоз кўрмасликдан эса чала-чулпалик, енгил-елпилик келиб чиқади.

Бир телекўрсатувда бошловчи ўзи тенги хонандани маромига етказиб мақтагач, унга шундай савол берди:

— Энди устозларингиз тўғрисида сўзлаб берсангиз.

— Ҳозирча устозим йўқ, ўзим ёзган шеърларга ўзим куй басталайман, — деди ёш хонанда гурур билан.

Бу жавоб бугунги саҳна ҳаётимиздаги, ёш ижрочилар фаолиятидаги асосий қусурни ойнадай равшан кўрсатиб турибди. Ўзи шоир, ўзи бастакор, ўзи ижрочи. Бу ҳам етмаганидек, тижорат билан ҳам шуғулланади. Компьютер деганингиз калта ва хаста овозларни исталганча чўзиб, кучайтириб, паст-баланд жойини тўғрилаб, қулоғимизга қуймоқда. Клип фониди саккизта қирчанги, тўртта мўминтой ликиллаб туришса, мусиқа гижбаданг бўлса бас — эшитгувчи, албатта, топилади. Қўшиқ матни, қоришиқ талаффуз, ночор ижро ҳеч кимни қизиқтирмайди. Хусусий радиолар омон бўлса, бу ҳам ҳолва. Эрта-индин кимдир «Эшагим, ҳо эшагим, йўрғалашда бешагим», деб куйлаб қолса, ажабланмайман. «Орият-доно» радиосида суҳбат ўтказган «Болалар» гуруҳидан чиққан ёш хонанданинг фикрича, ҳар қандай кўшиқни (демакки, бемазасини ҳам) яхши «раскрутка»

билан оммалаштириш мумкин. Бу гапда, аслида, жон бор. Ҳозир эфир орқали вужудимизга сингдирилаётган, радиоканаллар ёрдамида қулоғимизга қуйилаётган кўпгина «асар»лар, ҳофиз айтмоқчи, пухта «раскрутка» қилинган, яъни ялтироқ либосга ўралган, устига озроқ шира суриб қўйилган, холос.

Савол туғилади: саҳнага чиқиб кўшиқ куйлашда нима бирламчи? Қўшиқ матни, муносиб мусиқа, ижро маҳоратими ёки «эстрадамининг ёрқин юлдузи» деб тинимсиз таърифланаётган ёш хонанданинг ташқи қиёфаси, ажабтовур либослари, одоб-андишасиз ҳатти-ҳаракатими?

Санъаткор бўлиш шунчаки ҳавасга айланмаслиги керак. «Қизимиз шеър машқ қилиб туради, китобчасини чиқариш керак», «Бир сингилчамиз бор, оз-моз ашула ҳам айтади. Байрам концертига қўшилиб қолса, хизматпизматига тайёрмиз...» қабилдаги илтимослар тобора кўпаймоқда. Ҳомийлар, «танка»лар нечоғли бақувват бўлишмасин, сунъий «юлдуз»лар сунъийлигича қолади, шуъласи ёрқин бўлмайди. Саҳна — бепоён олам. Неча юзлаб, минглаб одамлар эл-юрт олдига чиқади. Аммо маданият тарихида, одамлар қалбида, мухлислар хотирасида, нари борса, ўнга-йигирмата ижрочи қолади, холос.

Бу анчайин аччиқ гап, аммо ҳақиқат. Ҳар бир авлод ўз «юлдуз»ларини кашф этади. Комилжон Отаниёзов, Жўрахон Султонов, Маъмуржон Узоқов, Ҳожихон Болтаев, Отажон Худойшукуровлар элда машҳур бўлган йиллари улар ёнида қанчадан-қанча ҳофизлар басмабасига кўшиқ куйлашган. Лекин истеъдод деб аталмиш буюк илоҳий неъмат эгаларигина мухлислар ёнида қолди.

Бугун катта-кичик саҳналаримизда тўлиб-тошиб куйлаётган неча юзлаб хонандалардан қай бирларининг номи орадан йигирма, эллик йил ўтгач санъатимиз

солномасида, мухлислар ёдида қолади, юқорида номлари зикр қилинган устозлар қаторидан кимлар жой олади? Фаттоҳхон Мамадалиев, Ботир Зокиров, Фахриддин Умаров, Шерали Жўраев, Муножот Йўлчиева, Юлдуз Усмонова, Толибжон Бадинов, Камолиддин Раҳимов, Ўлмас Саиджонов яратган маҳорат мактабларини, Марям Сатторова, Зулайҳо Бойхонова, Насиба Абдуллаева, Эркин Рўзматов, Маҳмуджон Тожибоев, Собиржон Мўминов ва бошқа суюкли хонандаларимизнинг ижро йўлларини, сахна одобларини, камтар-камсуқумликларини эртага кимлар давом эттиради? Келажакда бу рўйхатга яна кимларни киритамиз? «Баҳор», «Ялла» ансамбллари издошлари пайдо бўладими?

Ижодкор ёшларга баҳо берганда, уларни «кўтар-кўтар» қилишда айни мана шу ҳолатларни унутмаслик зарур, деб ўйлайман. Гап кимнидир камситиш устида бораётгани йўқ. Қўшиқ куйлаш ҳаваси айб ҳам эмас. Муаммога айни шу нуқтаи назар билан қарайдиган бўлсак, калтакнинг бир учи... устозларнинг ўзига бориб тегади. Негаки, кўплаб мураббийлар, устоз мақомидагилар фавқулодда андишали одамлар бўлиб, «Ҳой ука, ҳой синглим, ундоқ эмас, бундоқ, у йўлдан эмас, бу йўлдан юрганингиз маъқул», дейишни ортиқча ташвиш деб билишади. Хулқи айниб, босар-тусарини билмай қолаётганларни кўриб-билиб туришса ҳам, лоқайдлик қилишади.

Узоққа бормай, биргина аския, қизиқчилик санъатимизни олиб кўрайлик. Юқорида келтирилган мактубда айтилганидек, халқимизнинг ноёб ва бетакрор фазилатларини, зукко ва донишмандлигини, ҳаё ва андишасини, сермаъно лутфини ифодаловчи бу жанрнинг аҳволи бугун ўта ташвишли десам, муболаға бўлмайди. Юсуфжон қизиқ Шакаржонов, Охунжон қизиқ Ҳузуржонов, Турсунбува Аминов, Фойиб ота Тошматов, Эрка Қори, Расул қори, Абдулхай Махсум, Муҳиддин Дарвешов,

Ҳасанбой Султонов каби кулги дарғалари асраб-авайлаган, фикрни нозик пардаларга ўраб ифодалаган бу жанрнинг бугунги «усталари» уни ширяланғоч қилиб қўйишди-ку. Ҳаё пардаси бачканалик ботқоғига ботди. «Ҳай» дейдиган бир жонкуяр топилмапти. Мирза Холметов, шубҳасиз, истеъдодли санъаткор, аммо унинг қизиқчилигида фикрдан кўра бачканалик устун. Кулдириш учун сунъий равишда кулгили ҳолат яратиш керак эмас. Ҳар қандай кулги замирида ҳаётнинг реал бир парчаси бўлсагина кулги санъатга айланади. Миллий Академик театримиз сахнасида намойиш этилган драматург Нурилла Аббосхоннинг «Ўзбекча рақс» спектакли (Саҳналаштирувчи режиссёр Турғун Азизов) ҳаётдан бевосита олинган, ишонарли, табиий ҳолатлар асосига қурилган. Шу боис спектакл мухлисларга манзур бўлди.

Телевидениеда берилаётган «Оҳанрабо», «Тараннум» кўрсатувларига ёш ижрочилар билан бирга устоз санъаткорларни, сахна маданиятимиз, миллий мусиқамиз фидойиларини ҳам кўпроқ жалб қилиш керак, деб ўйлайман. Уларнинг ибратли ҳаёт йўли, ижодий сабоқларидан ўрнак олиш, хотираларини тинглаш зарур. Бу икки кўрсатув бошловчиларининг устоз-шоғирдлик хусусидаги мулоҳазалари жуда ўринли. Бир умр қўшиқ айтиб, фонограмма нималигини билмаган, санъаткор шаънини, қадр-қимматини кўз қорачуғидек асраб-авайлаган устозлар ёнига бугун сахналаримизда, тўй-томошаларда, хонаки базмларда диконглаб, ҳуда-беҳуда қилпиллаётган «юлдуз»чаларни ўтқизиб қўйиш, санъаткор маънавияти ва масъулиятидан сабоқ бериш бениҳоя зарур.

Санъаткор эл ардоғига сазовор бўлса, бу — катта бахт. Аммо, машҳурлик билан урф бўлиш орасида фарқ бор. Комилжон Отаниёзов ёки Маъмуржон Узоқовни тинглаш ҳеч қачон урф бўлмаган, уларни тинглаш, Тамарахоним, Мукаррамахоним рақсларини томоша қилиш ички маънавий эҳтиёждан келиб чиққан. Ботир

Зокиров бетакрор овози билан кўнгилларни ром айлаган. Мухлису мухлисалар Отажон ҳофизни шунчаки эшитиш, ундан дастхат олиш ёинки, бугунгидек, жилпанглаб бориб, ёнига туриб, суратга тушиш учун эмас, унинг фавқулодда дилбар овозидан завқланиш учун интилишган. Бу санъаткорларни ҳаётлик чоғларида ҳеч ким «Санъатимизнинг буюк юлдузлари», демаган. Бунга эҳтиёж ҳам бўлмаган. Чунки улар ҳаётда ҳам, саҳнада ҳам ўзларини жуда оддий туттишган, юлдузлик касалига чалинишмаган. Одамлар орасида эл қатори умргузаронлик қилиб, кибру ҳавога йўл беришмаган.

Кўплар санъаткорлар бахтли инсонлар, ҳаётлари ҳамиша силлиқ кечади, муҳтожлик нима эканлигини билишмайди, деб ўйлашади. Аслида-чи?

Номи тилимизга келган машҳур санъаткорни олайлик. «Бу дунёда бормикин бағри бутун», деб куйланганидек, Комилжон Отаниёзовнинг бағри бутунмиди, Мукаррамахонимнинг армони йўқмиди, фарзандидан жудо бўлгани хабарини эшитиб ҳам, саҳнага чиқиб, маҳорат билан рол ижро этган Лутфихоним Саримсоқованинг, Шукур Бурҳоновнинг, Олим Хўжаевнинг, Махсум Юсуповнинг, камтар-камсукумликда умр ўтказган Мамат буванинг, Очилхон Отахоновнинг биров эшитаман деса айтадиган гапи йўқмиди? Санъат йўлида жонлари фидо бўлган бир эмас, бир неча Турсуноёларни билемиз-ку!

Ёшлар газетасида ишлаб юрган кезларим машҳур қизиқчимиз Сойиб Хўжаев билан суҳбатлашганимда, у киши бошларини қашлаб туриб: «Э, мухбир болам-а, эллик йилдан бери одамларни кулдираман, мени бўлса ҳеч ким ақалли бир марта бўлсин кулдирмади-я», деган эди.

Бундан бир неча йиллар аввал муҳташам «Истиқлол» саройида Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Мавлуда Асалхўжаеванинг бир неча кунлик яккахон концерти бўлиб ўтди.

...Концертнинг биринчи куни эди. Барча тайёргарлик ишлари ниҳоясига етган, саҳна безатилган, созандалар, саҳна ишчилари шай бўлиб туришибди. Жалолободдан кўшиқчи синглимизнинг отаси фарзандини табриклаш учун атайин келган. Саҳнага чиқаман, элга кўринаман, деб янги уст-бош тиктирган. Аммо...

Ўша куни эрталаб ота кутилмаганда... оламдан ўтиб қолди. Билетлар сотиб бўлинган. Нима қилиш керак? Концертни қолдиришнинг мутлақо иложи йўқ, саҳнага чиқиш эса бундан-да оғир...

Тафсилотларга берилиб ўтирмайман. Мавлуда шунчаки хонанда эмас, иродали санъаткор ҳам экан — саҳнага чиқди. Чиққанда ҳам ёниб, чўғ-олов бўлиб, куйиб-куйдириб куйлади. Овози фавқулодда жарангдор, таъсирчан бўлиб кетди. Нолалари кўкка ўрлади. Зал ҳаяжондан қалқиди. Ота ҳақидаги кўшигини ижро этаркан, вужудини тигроқ босиб, саҳнанинг ўртасида... ҳушдан кетаёзди, йиқилди. Бу ҳолатни мухлислар маҳорат, берилиб куйлаш деб тушунишди ва хонандани узоқ вақт олқишлашди. Саҳна ортида эса врачлар хонандага ёрдам кўрсатишаётган эди...

Бундай мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин. Санъаткор бўлишнинг мана шундай заҳматлари ҳам бор. Бу йўл жуда равон эмас, ўта чароғон ҳам. Кутилмаган бурилишлари, ногаҳоний ўпирилишлари, тилга чиқариб бўлмайдиган азобларини айтинг. Узоқ давом этадиган гастрол сафарлари тинка-мадорни қуритади, оиладан, фарзандлардан хабар олишга вақт ҳам бўлмайди. Инонихтиёрингиз ўзингизда бўлмай қолади. Кун тартибингизни бошқалар белгилайди. Имкони бўлиб, тўйига борсангиз — сиздан яхши, сиздан улуғ санъаткор йўқ, боролмай қолсангиз, ўша кун, ўша соатдаёқ рўйхатлардан ўчасиз, бемаза, истеъдодсиз одамга айланасиз. Шу боис, соғмисиз, иситмангиз осмонга чиқиб турибдими, овозингиз бўғилиб қолганми, уйингизда бирор бир ташвиш борми, яқин бир қариндошингиз оламдан ўтганми, азадор-

мисиз, бундан қатъи назар, хизматга шай туришингиз, бошла десалар, бошлашингиз, даврани қизитишингиз керак.

* * *

Мовий Ақчақўл бўйида ҳамроҳларим Эркин Самандар, Ошиқ Эркин, Комил Аваз, Матназар Абдулҳаким, Нурбой Жаббор ва бошқалар билан Отажон Худойшукуров ҳақидаги хотираларни тинглар эканман, «Аёзқалъа»да дунёнинг олис бурчакларидан келган сайёҳларнинг ҳайратига гувоҳ бўлар эканман, ҳаёлимдан шу мулоҳазалар ўтади. Санъаткорга осон эмас. Кимга осон бу майдонга тасодифан кириб қолганларга, шунчаки хиргойичиларга, тақлидчиларга, устоз кўрмаган яллагиларга осон. Авваллари овози бор одам ўртага чиққан, истездоди бор одам қўлига соз ушлаган, тингловчини сел қилиб қўшиқ куйлаган. Бошқалар эса бошқа ишлар билан шуғулланишган. Яъниким, ошпаз ошпазлигини, нонвой нонвойлигини, косиб косиблигини қилган. Ҳофизлар эса уларга қўшиқ куйлашган.

Ўша пайтлари ҳам боғларимизда анвойи гуллар барқ уриб очилган, керак бўлса, қучоқ-қучоқ олиб келиш мумкин эди. Аммо концерт залларида бугунгидай сохта гулбозлик урф бўлмаган. Қариндош-уруқ, тоға-жиян, амма-холалар эндигина йўлга кирган набира-жужуқчаларни ҳам етаклаб саҳнага чиқишмаган, қўшиқ куйлаб турган ҳофизнинг бўйнига гулчамбар илишмаган, чўлпиллатиб ўпишмаган, эгнига ким ўзарга зар чопон ёпишмаган, белига қўлини қўйиб суратга тушишмаган. Устоз санъаткорлар бундай қилиш бориб турган бемазагарчилик, томошабинга ҳурматсизлик, янада аниқроғи — фирт шармандалик эканини яхши билишган.

Бу ҳам майли, авваллари ҳофиз деганингиз худди тўйхонада ҳовли айлангандай, саҳнадан бемалол пастга тушиб, олдинги қаторда савлат тўкиб ўтирган хешу

ақраболарига, қуда-андаларига, маҳалла чойхонасидаги улфатларига эгилиб-букилиб салом бермаган, волидан муҳтарамасининг ёнига келиб, худдики онаси билан тасодифан шу жойда учрашиб қолгандай, бир-бирларини бағриларига босишмаган. Она ҳам ўгли санъаткор эканини худдики шу ерда тасодифан билиб қолгандай, болаизорини ялаб-юлқамаган. У пайтларнинг оналари анча вазмин бўлишган.

Бир мақоламда айтганимдек, «Эҳ, эссиз, Маъмуржон Узоқов, Жўрахон Султоновлар «клип» нималигини билмай ўтиб кетишди-я...».

Авваллари телевидение, радио бу қадар ривожланмаган эди. Хусусий каналлардаги сўзбозлик бировнинг хаёлига ҳам келмаган. Битта қўшиқ, бугунгидек, бир кунда йигирма-ўттиз марта эмас, ҳафта — ўн кунда бир марта эфирга қўйилган ва соғинч билан тингланган.

У пайтлари санъаткорлар телевидениеда ошпазлик қилишмаган. Тор билан чўмичнинг фарқига боришган.

Тасаввур қилингки, ўшанда санъатга аралашиб қолган битта «тадбиркор», масалан Отажон Худойшукуровга: «Ака, лотерея ўйини ташкил қилганмиз. Сиздан илтимос — рекламасида қатнашиб, «**Отингни сот халойиқ, молингни сот халойиқ, аъло ўйинлар келди, ютуғи — сизга лойиқ, во-ей**», деб бир қўшиқ куйлаб берсангиз бас, яхшигина ҳақ тўлаймиз» деса, ҳофизнинг пешонаси тиришиб: «Нималар деяпсан, мени ким деб ўйляпсан, эс-ҳушим жойида, миям айниб қолгани йўқ», дейиши аниқ эди. Афсуски, бугун кўплар бундай дейишмайди.

Бу гаплар нечоғли аччиқ бўлмасин, ҳаётда бор ва кўз ўнгимизда ҳар куни, кунора содир бўлиб турибди. Табаррук санъатимиз, муқаддас саҳнамиз ҳаққи, шу ҳолатлар ҳақида ҳам гапиришга тўғри келади. Зеро, санъат — гулдек нозик нарса, уни ҳар жиҳатдан эҳтиётламоқ, асраб-авайламоқ зарур.

Адабиёт газетасида эълон қилинган мақолаларимдан бирида французларнинг машҳур комик актёри Луи де Фенес ҳақида менга Парижда сўзлаб беришган бир воқеа тафсилотини ёзганман. Шундай улуғ санъаткорнинг ҳаётида ҳам анча-мунча муаммолар бўлиб турган экан. Кунларнинг бирида ўзи каби машҳур кинорежиссёр Луи де Фенесдан суратга олаётган янги филмида рол ижро этишни илтимос қилади. Қизиқчи бўлажак филм сценарийсини ўқиб чиққач, гарчи ўша пайтда моддий жиҳатдан қийналиб турган бўлса ҳам, шу кичик роли учун жуда катта маблағ ваъда қилишаётганига қарамай, таклифни рад этади. «Бу рол миллат шаънига тўғри келмайди», дейди.

Айтишларича, Комилжон Отаниёзов концертлардан бирида тўсатдан касал бўлиб қолади. Лекин концертни тўхтатмайди. «Маъмуржон каби қўшиқ айтиб туриб ўлсам армоним йўқ», дея саҳнага чиқиб, шу ҳолатда ҳам хониш қилиб, концертни ниҳоясига етказди. Улуғ ҳофиз ўзини эмас, мухлисларини ўйлайди, ҳаётининг сўнггида ҳам уларга, саҳнага хиёнат қилмайди.

Хотираларда айтилишича, Комилжон ҳофизнинг отаси Ниёзий тахаллуси билан шеърлар машқ қилган, моҳир созанда бўлиб, газалларга ўзи куй басталаган. Ўғли Комилжоннинг санъаткор бўлиб танилишида отанинг ҳиссаси катта бўлган. Комилжон ака ҳам ажойиб шеърлар ёзган, Хоразм халқ дostonларини ўзи куйга солиб, маҳорат билан ижро этган.

Дорилфунунда бизга сабоқ берган устозимиз, яқин ўтмишимизнинг ноёб билимдони, айниқса, санъаткорларнинг саҳнадаги ва саҳна ортидаги ҳаётини яхши биладиган муҳтарам Шариф Юсупов шундай ёзади:

«Эллигинчи йилларда Тошкентнинг машҳур «Тўхтабой» масжиди яқинида турадиган ҳунарманд Насриддин ака деган одам тўй қилиб, унга Шоқосим, Шоолим Шожалилов ва уларнинг устози Жўрахон Султоновни, бошқа бир хоразмлик дўсти орқали Комилжон Отаниё-

зовни таклиф этган эди. Жўрахон ака бошлиқ гуруҳ эрта келди ва икки-уч соат чамаси базм бўлди. Лекин ўша вақтларда Жўрахон ака матбуотда урилиб тургани учунми ё бошқа сабабданми, базмда зўр-зўр ашулалар айтилганига қарамай, у қизимасди. Ҳам руҳан тушкун юрган, ҳам базм қизимаганидан диққати ошган Жўрахон ака Шоқосим акага: «Энди мен уйга чиқиб ётақолай, азонда чиқарман», деб жавоб сўраб ҳам турувдики, кечаси соат ўн иккиларга яқин Комилжон ака шериклари билан кириб келди. Базмдаги сўникликни дарҳол пайқаган Комилжон ака устоз санъаткорлар билан қучоқлашиб кўришиб, бир ҳўплам чойдан кейиноқ қўшиқни бошлаб юборди. Ўртадаги рўмол пулга тўлиб кетди. Пешонасидан товонигача терга ботган Комилжон ака соат икки-икки яримларда ниҳоят тўхтади. Жўрахон ака ўтирган каравотга чиқиб, бир пиёла чой ичиб бўлгач, доирачисига пулни шу ерга олиб келишни имо қилди. Рўмолдаги пулни ўзгалар ёрдамида аранг тугиб: «Уста, бир дуо қилинг», дея Жўрахон аканинг олдига қўйди. Ҳангу манг бўлиб қолган Жўрахон ака бироздан сўнг ўзига келиб, гапни аскияга бурди: «Сал кечиксанг борми, нақ ўладиган бўлиб турувдим. Эртага қайси тўйда бўласан?».

Таниқли озарбойжон шоирларидан бири ўзининг на-вқирон кетган дўсти ҳақида:

*Умр осмонида бир чақмоқ бўлдинг,
На чора, қисқадир умри чақмоқнинг, —*

деб ёзган эди. Шунга ўхшаб, Комилжон Отаниёзов ҳам бир чақмоқ умрини яшаб ўтган бўлса-да, бу нурли, суронли чақмоқнинг акс садолари ҳали кўп асрлар янграб туражак...».

Устознинг бу хотираларини келтираётганимнинг боиси бор, албатта. Фидойи инсонларнинг умр торлари кўп ҳолларда айни авж пардасида узилади. Миллий эстрада

санъатимизга асос солган Ботир Зокиров ижоди айни гуллаган бир пайтда бу ёруғ оламни тарк этди. Эллиққалъага алоҳида меҳр қўйган қўшиқчи шоиримиз Муҳаммад Юсуф навқирон ёшида бугун ўзининг номи билан аталаётган, шеър, адабиёт ихлосмандларининг севимли масканига айланган коллежда ҳароратли сатрларини мухлисларига бахш эта туриб, баъдаликни бажо келтирди. Шавкат Раҳмон, Равшан Файз, Охунжон Мадалиев ёш кетди. Отажон Худойшукуров ҳам ёш кетди, умрини чақмоқдай яшаб ўтди. Бу чақмоқ узоқ йиллар давомида миннатдор мухлислари қалбини ёритиб туради. Шоир Эркин Самаңдар ёзганидек:

*Чақмоқ чақиб, зулмат қаъридан,
Ўқирганда момогулдурак,
Чақмоқ каби сўнса деб умр,
Бехос чўчиб тушади юрак.
Шунда қалбим билан сўзлашиб,
Бергим келар унга тасалли:
Иллатларнинг зулматин тилиб,
Сўнг чақмоқдай сўнсанг ҳам майли...*

Отажон ҳофиз чақмоқдай яшаб ўтди. Ўзидан ёруғ из қолдирди. Унинг ҳаёти бугун эл-юрт хотирасида, шогирдлари куйлаётган қўшиқларида давом этмоқда. Эллиққалъада амалга оширилаётган қурилиш ишларининг кўламини кўриб, ҳайратга тушасиз. Маънавий тарбия билан боғлиқ тадбирларнинг кўпида бевосита қатнашар эканман, Ғаззолий ҳазратларининг бир гапи ёдимга тушади: «Амалдор илмли бўлсин, илми бор кишининг амали ҳам бўлсин».

Туман ҳокими Неъматулла Худойберганов билан суҳбатимиз узоқ давом этади. Бугунги шароитда хоҳ катта, хоҳ кичик бўлсин, бирорта туманга бош бўлиш, бир вақтнинг ўзида қишлоқ хўжалиги, саноат, маданият ва маънавият, таълим-тарбия билан шуғулланиш, одамлар-

нинг ишончини қозониш осон иш эмас. Иқлим ўзгариши билан боғлиқ муаммолар, сув тақчиллиги қадим Амударёнинг ҳар икки қирғоғида бошқа жойларга нисбатан янада яққол кўзга ташланади. Бундай шароитда туман раҳбарлари фавқулодда ишчан, ғайрат-шижоатли, ташаббускор, айни чоғда, эл билан тиллаша-диллаша оладиган маърифатли кишилар бўлишлари керак. Шундагина зиммадаги мажбуриятни тўла-тўқис адо этиш мумкин бўлади.

Эллиққалъада мен бунга кўп бор амин бўлдим. Туман ҳокимлигининг маданий-маърифий соҳадаги ибратли ишлари Президентимиз Ислоҳ Каримовнинг «Юксак маънавият — энгилмас куч» китобидаги қуйидаги фикрларга ҳамоҳанг: «Агар биз Ўзбекистонимизни дунёга тараннум этмоқчи, унинг қадимий тарихи ва ёруғ келажакни улуғламоқчи, уни авлодлар хотирасида боқий сақламоқчи бўлсак, авваламбор буюк ёзувчиларни, буюк шоирларни, буюк ижодкорларни тарбиялашимиз керак. Нега деганда, улуғ адиб Чўлпон айтганидек, адабиёт яшаса — миллат яшайди».

Давлатимиз раҳбарининг мазкур китобида мумтоз ва замонавий эстрада санъати ривожига ҳам алоҳида эътибор берилади: «Барчамизга аёнки, куй-қўшиққа, санъатга муҳаббат, мусиқа маданияти халқимизда болаликдан бошлаб, оила шароитида шаклланади. Уйда дутор, доира ёки бошқа чолғу асбоби бўлмаган, мусиқанинг ҳаётбахш таъсирини ўз ҳаётида сезмасдан яшайдиган одамни бизнинг юртимизда топиш қийин. десак, муболаға бўлмайди. Энг муҳими, бугунги кунда мусиқа санъати навқирон авлодимизнинг юксак маънавият руҳида камол топишида бошқа санъат турларига қараганда кўпроқ ва кучлироқ таъсир кўрсатмоқда».

Китобда, жумладан, миллий эстрада санъатимизни ҳар қандай бегона таъсирдан, айниқса, «оммавий маданият» руҳидаги оқимлар таъсиридан ҳимоя қилиш зарурлиги алоҳида уқдирилади: «Айрим ёш ижрочи ва ижо-

дий гуруҳларнинг жамоатчилик эътиборига тақдим этаётган «асар»лари санъатнинг ҳеч қандай талаб ва мезонларига жавоб бермайди. Нафақат мавзу ва мусиқа, ижро усуллари, балки саҳна ҳаракатларида ҳам очиқдан-очиқ ажнабий «оммавий маданият» кўринишларига тақлид қилиш, «юлдузлик» касалига чалинган ҳолатлари тез-тез учраб тураётгани чинакам санъат мухлисларини ранжитмасдан қолмайди, албатта. Айниқса, бизнинг миллий анъаналаримизга, ахлоқ-одоб қоидаларига мутлақо тўғри келмайдиган клиппар, турли тиллардаги сўзларни қорштириб ёки талаффузни атайлаб бузиб айтиш каби номуносиб ҳаракатларни айрим ёш ижрочилар ўзи учун қандайдир янгича услуб деб билаётгани, менимча, санъатни, унинг моҳияти ва аҳамиятини тушунмасликдан бошқа нарса эмас. Маданий жамоатчилигимиз, авваламбор мусиқашунос олимлар, устоз санъаткорлар, композиторлар, ёзувчи ва журналистлар, кўпсонли санъат ихлосмандлари бундай масалалар юзасидан ўз фикрини очиқ билдириб бориши, шу тариқа ёшларимизга тўғри тарбия беришимиз ҳам қарз, ҳам фарз, деб ўйлайман. Биз учун ахлоқий жиҳатдан номаъқул, миллий қадрият ва қарашларимизга ёт бўлган, лекин ҳозирги вақтда ҳаётимизга кириб бораётган мана шундай кўринишларни бамисоли юқумли касаллик деб қабул қилишимиз лозим. Ва, айти шу асосда, бундай хуружларнинг ўта хавfli ҳолат эканини англашимиз зарур. Нега деганда, агар инсоннинг қулоғи енгил-елпи, тумтароқ оҳангларга ўрганиб қолса, бора-бора унинг бадний диди, мусиқа маданияти пасайиб кетиши, маънавий оламини сохта тушунчалар эгаллаб олиши ҳам ҳеч гап эмас. Охир-оқибатда бундай одам «Шашмақом» сингари миллий меросимизнинг ноёб дурдоналарини ҳам, Моцарт, Бетховен, Бах ва Чайковский каби дунё тан олган буюк композиторларнинг асарларини ҳам қабул қилиши қийин бўлади».

Шу ўринда таъкидлаб ўтиш жоизки, санъаткор маданиятига, унинг ижро маҳорати ва тингловчи олдидаги масъулиятига бизда азалдан жиддий эътибор берилган. Буни қуйидаги ривоят мисолида ҳам кўриш мумкин.

«...Бухородан Хивага ҳурматли меҳмонлар келишди. Улар шарафига уюштирилган базм айти авжигача чиққан бир пайтда хон меҳмонларга қараб: «Соз бўлсинми?», дейди. Меҳмонлардан бири чиройли лутф қилиб: «Соз бўлса, соз бўлсин», дея жавоб қайтаради. Хон базмда иштирок этаётган созандаларга қараб: «Нима чаласизлар?», дея сўрайди. Созандалар «Рост бўлсинми?», яъни «Рост» мақомидан чалайликми, дегандай, хондан ижозат сўрашади. Феруз ҳар иккала лутфни инобатга олиб: «Рост бўлса рост бўлсин, созни Бобожон бўламончи бошқарсин», дея янада гўзал лутф қилади».

Ривоят қилишларича, ўшанда жуда антиқа базм бўлган экан. Меҳмонлар созандалар шаънига тасаннолар айтишади. Хон уларнинг устидан тилло тангалар сочади. Бобожон бўламончига ҳам инъом берилади, аммо мақом сирларидан чуқур хабардор бўлган Феруз унинг ижросидаги кичик бир хатони сезиб, кўнглига туғиб қўяди.

Бўламончи хурсанд бўлиб уйига қайтиб келса, хоннинг уч-тўрт навқари уйининг томини очишаётган эмиш.

— Ҳой, нима қилаяпсизлар? — ҳайрон бўлиб сўрайди Бобожон бўламончи.

— Хонимизнинг буйруғини бажараяпмиз,— деб жавоб беришади навқарлар.

Бўламончи саройга қайтиб келиб, хонга арз қилади. Шунда хон:

— Сиз ҳам бизнинг хоналарни (яъни куйни) буздингизку, — дейди. Гап нимадалигини тушунган бўламончи:

— Хон ҳазратлари, айб менда, бир қошиқ қонимдан ўтинг. Оғзимда сўлак тўпланиб, авжида сал тутилиб кетдим. Бошқа такрорланмайди,— дея илтижо қилади.

Хон унинг илтижосини қабул қилади. Бўламончи уйига қайтса, навкарлар томни қайта ёпишаётган экан...

* * *

Отажон Худойшукуров тўғрисида жуда кўп ёзилган, хўб ёзилган. Ушбу китобча устида ишлар эканман, ёзилган ва ёзилмаган кўплаб хотираларни яна бир бор назардан ўтказдим, тингладим, бу бетакрор санъаткорни таниган кишиларнинг суҳбатида бўлдим.

— Раҳматли Отажон шунчалар машҳур ҳофиз бўлишига қарамай, жуда оддий, тортинчоқ, ўта самимий инсон эди, — деб хотирлайди Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири Абдулла Орипов. — Мен бунга у бир вақтлари қисиниб-қимтиниб: «Абдулла ака, «Биринчи муҳаббатим» номли шеърингизни қўшиқ қилган эдим. Шунга ўзингизга ижро этиб берсам, фикрингизни эшитсам» деганидаёқ ишонч ҳосил қилганман. Отажоннинг ижроси менга маъқул бўлди, шеърни тушуниб, маъносини ҳис этиб куйлади. У билан яна учрашиш, ижодий ҳамкорлик қилиш ниятида эдим. Афсус, орадан кўп ўтмай Тўрткўлга, унинг маъракасига боришга тўғри келди.

Яшириб нима ҳам қилардик — халқ ҳамма ижодкорларни ҳам чин дилдан, соғиниб эслайвермайди. Отажон эса халқнинг кўнглида, дилида қоладиган ёруғ толега мушарраф бўлган санъаткор эди. Эллиққалъада унинг хотираси нечоғли эъзозланаётганини кўрдим. Ва яна, бу ерда бошқа соҳалар қаторида маданий-маърифий ишлар ҳам кенг кўламда олиб борилаётганидан хурсанд бўлдим. Шахсан мен бу гўзал масканни Овруподаги мафтункор Женева кўллари соҳилларига ўхшатаман, Ўзбекистоннинг ўзига хос «Женеваси» деб атайман.

*Гулдан-гулга қўниб саҳар палладан,
Болари бол йиғар қирдан, даладан.
Шоир ҳам болари бўлсайди агар,
Ишин бошлар эди Эллиққалъадан!*

Ўзбекистон халқ шоири Омон Матжон шундай хотирлайди:

«...Мен Отажон Худойшукуровга учинчи дарё деб нисбат берган эдим. У шу номдаги шеъримни эшитишни яхши кўрарди. Қаерда издиҳом, учрашувларда кўришсак, шу рамзий шеъримни ўқиб беришимни сўрарди.

Отажоннинг қўшиқлари! Юксак парда, гоҳ нола, гоҳ ўтинч, гоҳ ундов, чорлов, инсон овози юксак имкониятларининг инъикоси. Ҳофиз овози — иймон жарчиси, огоҳ этади, руҳий оламимизни поклашга чақиради. Қудратли овоз асл шеърининг матн билан уйғун бўлса, халқнинг, миллатнинг гурури кўринади унда.

Хоразм мусиқа санъати мойбўёқ полотно десанг, унинг бош қааҳрамонлари Ҳожиҳон, Комилжон, Отажон...

Мен Ҳожиҳонни тоққа менгзаган эдим, Отажон халқимнинг икки дарё оралигидан фазога йўлланган қалбнидоси.

*Мен гоҳи Сирдарё сайлига борсам,
Кўнглимга келади қизиқ бир туйғу.
Гўё шу яқин бир жойдан ўтгандай,
Сирдарёдан кўра каттароқ бир сув.
Шу ҳолга тушаман Хоразмда ҳам,
Буюк Амударё бўйида туриб.
Гўё Жайҳундан ҳам буюк бир наҳр
Яқингина ердан оқар ўкириб.
Бу нима? Қандайин сирли оқим бу,
Ерданми, кўкданми илар бу садо?!
Наҳот тупрогимда, кўзга ташиланмай,
Оқиб ётган бўлса Учинчи дарё.
Билмадим. Мени кўп таъқиб этади
Шу сирли акс-садо, шу илоҳий ун.
Руҳим жуда юксак бўлар шу кезлар,
Вужудим тупроққа жудаям яқин...*

Ҳа, юксад, аммо ерга яқин! Овоз — иймон элчиси, дедик. Шеърят, бошқа санъатлар ҳам шундай хизматдадирлар юртга. Асил, илоҳий юки борлари, Учинчи дарёдан нозил бўлганлари! Бу улуг дарёнинг сой, ирмоқ, арналари вуждимиз, демак руҳимиз муҳити бўйлаб ҳам оқиб ётибди. Уни гоҳ илгаймиз, гоҳи йўқ...

Тасодифий илакишиб қолган ёки жўрттага ёпишиб олувчи шайтон чизгилаган туб манбаси йўқ оқимчалар ҳам бор.

Шулар чалғитиб, мен — аслингман деб нечаларни ҳавоий дабдабаларга ундашини, ҳатто оқизиб кетганини қанча кўрганмиз, кўриб ҳам турибмиз. «Сувора»мни соғиниб қоларсизлар ҳали... дерди Отажсон.

Ҳа, илоҳий истеъдод намояндаси эди у. Самимияти юраги устида балқиб кўриниб турган сиймо эди. Катта билан катта, кичик билан кичик... Тўй кўп, давра кўп. Ҳожихон Болтаев ибораси билан айтсак, «Худо сўнги имкон берди» деб ҳар бир ижросига жонини нисор этолган ҳофиз эди.

Отажсон билан боғлиқ юзлаб лавҳаларни келтиришим мумкин. Унинг қўшиқлари телефилмида мен сценарий муаллифи эдим. Телевидение хизматчиларининг унга «қайишишиб» ишлаганини биламан. Қизиги шуки, бу телефилмда у бизнинг ҳоҳиши, фикрларимиздан яширин чекиниб кўпроқ қандайдир олис соғинч, армон, мавҳум, тубсиз айрилиқ ҳақидаги эзгин руҳли қўшиқларини киритишига ҳаракат қилаберди ва шу кайфият телефилмда ўз аксини топди ҳам.

Бу нима? Буюк ҳофиз не бир ҳижронни олдиндан туйиб, бизни ундан хабардор этишига шошилди экан?! Дарёни не тўлқинлантирди?!

Эликқалъа туман раҳбарлари, ишқибоз мухлислари Отажсонни эслатадиган ҳар бир жиҳатга эътибор бериб, мунтазам унинг номидаги кўрик-танловларни ўтказмоқдалар.

Ҳофиз, демак, энди эҳтироснинг хотира қомусларида намоеън бўлади. Унинг билан кечган нурли лаҳзалар, унинг ноёб мероси, буларни сақлаш, асраш йўлидаги уринишлар миллатимиз қудратини, иқтидори, салоҳиятини эъзозлаш каби таҳсинга лойиқ ишлардир.

... Ўша йили биз Раҳматжон Қурбонов билан олдиндан белгиланган муҳим учрашувларда қатнашиш учун Қашқадарё сафарига отланган эдик. Тўрткўлдан келган совуқ хабар юрагимизни зирқиратди. Учрашувларимизнинг мавзуси — «Оташ» бўлди.

Дўстлар уни суюб шундай деб ҳам атардилар.

Тўрткўл сари йўлга тушдик. Уни эслаб, тинимсиз сўзлашсак ҳам гўё жим ўтилди бу йўл. Ҳа, жим. Илоҳий ҳайқириқ тўла сукунат эди бу.

Қашқадарёда кўнглимизга чизилган қуйидаги сатрларни Раҳматжон Қурбонов айтди, куйга айланди Оташнинг нурли хотираси, ёрқин сиймоси, қалбимизда:

Оққан дарё тиндиму?!
Олтин торинг синдиму?!
Отга бошқа миндиму?!
Ўртадаги дўст қани?!
Қайиқ қумга урилди,
Юрак симга урилди,
Аср зумга урилди,
Ўртадаги дўст қани?!
Фано, бақо— не ишдир?
Бир-бировни ейишдир.
Издан дод дейишдир,
Ўртадаги дўст қани?!
Икки дарё ораси,
Уч юз олтимиш қалъаси,
Излар ҳофиз ноласин -
Ўртадаги дўст қани?!».

Отажон Худойшукуров ҳақида фикр юритганда, бу бетакрор овоз соҳибининг хотираси учун кўп хайрли ишларни амалга ошираётган таниқли мусиқашунос олимимиз Отаназар Матёқубовнинг хизматларини ҳам алоҳида эътироф этишимиз зарур. Унинг хотираларида Отажон бор бўй-басти билан намоён бўлади:

«Машҳур санъаткор Жулиана Павароттининг вафоти жаҳон опера санъатида катта жудодлик сифатида эътироф этилди. Ноёб овози ва ижро маҳорати туфайли Жулиана Паваротти жаҳоннинг энг машҳур ва ардоқли шахсларидан бирига айланди.

Операнинг ватани Италия, Гарчанд Франция, Германия, Россия ва бошқа жойларда ҳам опера дурдоналари яратилган бўлса-да, Италия операси ўз соҳасида ҳанузгача пешқадамликни сақлаб келмоқда. Мутахассисларнинг фикрига кўра, бунинг сабаблари равон куйлашга мойил бўлган италян тилидан бошланади ва опера замиридаги кўркем овоз санъати билан камолга етади. Италия операсининг ижро услуби мусиқий ислоҳда «bel canto», яъни «гўзал куйлаш» дейилади. Куйчанлик, равонлик унинг устувор тамойили. Операнинг сўнмас жозибаси ҳам шу куйчанликда.

Олимларнинг кузатишича, «bel canto»нинг ўқ илдизлари Ислон дунёсида вояга етган овоз санъатига бориб тақалади. Одатга кўра, Қуръони Карим ёқимли ва гўзал овозда тиловат этилишига ислон маданиятида катта эътибор берилади. «Ҳофиз» деган тушунчанинг дастлабки маъноси Қуръон сураларини тўла ёд олган гўзал овоз соҳибларини англатади. Бу тушунчанинг иккинчи дунёвий маъноси гўзал овозда чиройли оҳанглар таратувчи санъаткорларга тааллуқли. Яқин тарихда ўтган ва ижролари оҳанрабо тасмаларига зарб этилган ҳожи Абдулазиз, Мулла Тўйчи, Домла Ҳалим Ибодов, Ҳожихон Болтаев, Комилжон Отаниёзов, Отажон Худойшукуров ва бошқа кўплаб ҳофизларнинг мероси фикримизнинг далили бўла олади.

Машҳур арбоблар хотираларида Паваротти санъатининг икки сифати алоҳида қайд этилади. Биринчиси, инсон овози бақирини ёки кучанини эмас, балки куйлаш, гўзаллик таратини учун берилган илоҳий неъмат эканлигини идрок этиши. Табиат инъом этган ноёб овозни фақат маҳорат билан юксак санъат омилига айлантириши мумкин. Паваротти ижоди бунинг ёрқин мисоли. Бутун дунё уни «маэстро», яъни «устоз» деб тан олади. Унинг ижросидан заррача нуқсон топиши мумкин эмас. Устознинг ҳар бир чиқиши хуш илҳом ва юксак маҳорат билан сугорилган чинакам санъат!

Бундан 30 йил муқаддам устоз Турғун Алиматов қизиқ бир нарсани тушунтириб берган эдилар. Бир кунги гапдан гап чиқиб, ўзларига таъсир ўтказган санъаткорлар хусусида сўзлаб, ҳожи Абдулазиз ижролари ва Тўхтасин Жалилов бастакорлигига хос бўлган ажиб сирсинаотни қайд этдилар. Кейин худди шундай фазилат Жўрахон Султонов ва Маъмуржон Узоқов ҳамнафаслигидаги ижроларда ҳам мавжудлигини айтдилар: «Маъмуржон ака ижросида бир авж парда бор. У ҳам фақат айрим ҳолларда, илҳом келганда чиқиб қолади. Ажойиб ҳофиз билан бир жойда бўлиб қолсам, шу пардани пойлаб ўтирардим. Ногаҳонда шу сайқал товуш чиқиб қолса, икки-уч кун унинг таъсирида юрардим. Парданинг ширасини, таъсирини сўз билан ифодалаб бўлмайди. У бир илоҳий сир-асрор ва фақат айрим санъаткорларга насиб бўладиган нарса».

Овозга бундай юқори баҳо берилишининг сабаби инсон ҳиссиётига хос бир сифат билан боқлиқ. Гап шундаки, мухлис — тингловчи сеvimли санъаткори ижро этадиган куй ёки ашулага берилиб, уни ичидан ўтказиб, гўё ўзи ҳам қўйилиб ижро этгандай бўлади. Мусиқа санъатининг мўъжизакор қудратларидан бири шунда. Айнан шу туйғу туфайли шинаванда у ёки бу санъаткорнинг мухлисига айланади.

Бизнинг авлод мухлисларига кўп хизмати сингган санъаткорлардан бири, марҳум Отажон Худойшукуровнинг овози, сози, санъати ва ҳиммати тўғрисида кўп сўзлар айтилган. Мухлис ва шогирдлари томонидан нота тўпламлари, эсдалик ва хотира китоблари нашр этилмоқда. Уларда жуда кўп қалб сўзлари ҳамда қимматли кузатувлар баён этилган. Ана шундай оташин фикрлардан бири бугунги куннинг пешқадам опера хонандаси Муяссар Раззоқова томонидан билдирилган. Хонанда Отажон Худойшукуровни «Ўзбек Павароттиси» деб эътироф этади. Жуда ўринли ва пурмаъно ўхшатиши.

«Зар қадрини заргар билади» деганларидек, Отажон овозининг бебаҳо сифатларини соҳа мутахассиси, ҳар кунги, ҳар дами овоз ишиқиди ўтадиган хонанда яхши ҳис қилади, албатта. Отажоннинг Павароттига қиёс қилиниши алоҳида ифтихор, ҳурмат ва эҳтиром рамзи. Отажон ва Муяссар бир эл фарзандлари. Бунинг устига Муяссар учун Отажон гоийбона устоз. Ёшлигида Отажон ижросидаги тик авжлардан таъсирланиб, ашулачиликка меҳр қўйган. Ижрочининг ўзи маҳорат палласига чиққанда, бошқалар санъатининг нозик сифатларини пайқашни ҳам табиий ҳолат.

Отажон ижодида барқ уриб турган сифатларни Паваротти санъатига ўхшатишида ҳаётини маъно бор, албатта. Ҳофиз қўшиқларидаги фазилятларни мужассамлайдиган бўлсак, уларни юқорида зикр этилган икки тамойилга қиёслаш мумкин. Биринчиси, табиий овозни тарбиялаб, юксак санъат даражасида вояга етказиши. Иккинчиси — овозни асраб-авайлаш, суиистеъмол қилмаслик.

Шу маънода бугун Отажон меросига мурोजаат қилар эканмиз, унинг ноёб овози, лаззатбахш «до» пардаси чинакам илҳом билан сугорилган санъат намуналари эканининг гувоҳи бўламиз. Манзурнафас ҳофиз талқин этган мумтоз мақом йўлларини суворалар бизга замондош, қалбимизга ҳамоҳанг. Санъаткорнинг улуглиги ҳам

шунда. Устозлардан мерос қолган куй ва ашулалар ижросини уларга нисбатан чексиз ҳурмат маъносиди давом эттириши, умрига умр қўйиши — шарафли иш.

Отажон Худойшукуров хотирасига бағишлаб Эллиққалъа туманида ўтадиган кўрик-танловларнинг қувончли томони шундаки, жамоатчилик ташаббуси билан ташкил этилаётган бу анжуман йилдан-йилга куч олиб, оёққа турмоқда. Отажон расм этган равон нафас ҳамда баланд пардаларда янграйдиган оташин ашулалар ҳофизларнинг янги насли томонидан севиб ижро этилмоқда. Бундай асл қўшиқлар эл орасида нақадар ардоқли эканлиги Эллиққалъанинг ҳашаматли Санъат саройи ва унинг ёнидаги очиқ амфитеатрга бутун Қорақалпоғистон, Хоразм ва бошқа вилоятлардан келган минглаб мухлисларнинг нигоҳидан, чеҳрасидан сезилиб турибди.

Отажон эл севган, элга чин юракдан хизмат қилган санъаткор эди. У элга қанчалик фидокорона хизмат қилган бўлса, эл уни шунчалик самимий ардоқламоқда».

* * *

Ўзбекистон, Қорақалпоғистон ва Туркменистон халқ артисти Ортиқ Отажонов ҳикоя қилади:

— Отажон Худойшукуров билан замондош бўлганимдан то ҳануз фахрланиб юраман. Бир вақтлар мен Хоразмда ўзимча қўшиқ куйлаб, Хоразм телевидение орқали томошабинларга энди-энди танилиб юрган пайтларимда, Отажон Нукус телевидениесида чиқар, жозибали бир овозда қўшиқ куйлаб, тингловчиларни ўзига ром этар эди. Бир кун Отабой таксист деган кишининг тўйида учрашиб қолдик. Шу ерда танишидик, бир жуфт - бир жуфтдан ашула айтиб, тунни тонгга уладик. Овози баланд эди раҳматлининг. Унга етказиб айтишининг ўзи бўлмасди. Айниқса, катта сувораларни дил-дилдан берилиб, вужудингизни ёгдай эритиб куйларди.

Танишганимиздан кейин маълум бўлдики, оталаримиз ҳам бир-бирлари билан дўст-қадрдон бўлишган экан. Отам баъзи муттаҳамларнинг тухматига учраб, таъвишига қолганларида, Амударёнинг у қиргоғига ўтиб, Отажонларникида жон сақлаган эканлар.

Биринчи кўришишдаёқ минг йиллик қадрдонлардай бўлиб кетдик. Тўйларга бирга борамиз. Мен тор чалсам, Отажон доира чертади, Отажон рубобини қўлига олса, мен доира чаламан. Яратган эгам Отажонга хўб мурувват қилган экан-да. Овозида бир сеҳр бор эди. Биласизми, ҳофизнинг овози кучли, йўгон бўлиши мумкин, аммо ҳамма гап жозибанда! Отажоннинг овози жозибали эди.

Бир куни Латип деган жўрамизнинг тўйида Отажон Омон Матжон шеъри билан «Умр ўтар...» деган кўшиқни катта ашула йўлида, эркин оҳангда куйлади. Меҳмонхонада ўтирган шинавандалардан бири: «Яхши шеър экан, бошқачароқ куйга солинса, ашула янада очилар эди-да», деб қолди. Ўша пайтлари кўнглимда бир куй тугилаётган эди. Тошкентга келиб, Омон Матжонни қидириб топдим, шоир билан танишиб олганимиздан кейин, «Умр ўтар...» деган шеърингиз бор экан, шуни менга берсангиз, кўшиқ қилмоқчи эдим», дедим. Омон ака: «Бу шеърни ёшлигимда ёзганман, кўшиқ бўлармикин», деди ва шеърини китобларидан бирини менга ёзиб берди. Ўша кунгиз кўшиқ тайёр бўлди. Шоир кўшиқни тинглар экан, «Ҳамма гап куйда экан-ку», деди мени табриклар.

Янги йил арафаси эди. Ҳофизлар янги йил базми учун энг яхши кўшиқларини телевидениега олиб боришади. Мен ҳам учта кўшигимни тайёрлаб олиб бордим. Эшитиб кўришди. «Умр ўтар...» ни «Янги йил кечасига бироз оғирлик қилади, бошқа шўхроқларидан олиб келинг», дейишди. Шу пайт хонага раҳматли устоз Убай ака Бурхонов кириб қолди. «Хўш, Ортиқ нимсолиб келибди?», деб сўраб қолди. Санъат Рўзматов: «Учта кўшигини эши-

тиб кўрдик, биттаси оғирроқ экан», деган эди, Убай ака кутилмаганда: «Қани, ўша оғирроғини эшитиб кўрайлик-чи», деб қолди. Эшитиб кўришди. Устоз қуюқ қошиларини чимириб, бироз ўйланиб турдилар-да: «Янги йил кечасига, соат ўн - ўн бирларга яқинлашганда айни шундай кўшиқ керак бўлади, ахир ҳар янги йил инсон умрининг ўзига хос ҳисоботи-ку, маъқул», деб қолдилар. Шу гап бўлди-ю, кўшиқнинг йўли очилди.

Отажон Худойшукуров тўғрисида яна узоқ гапиришим мумкин. Аммо, бир гап ҳеч ёдимдан чиқмайди. Бир куни бир даврада Комилжон аканинг, сўнг Ҳожиҳон Болтаевнинг магнит тасмасига ёзилган ашулаларини кўйишди. Отажон менга ўғирилди-да, «Шу кўшиқларни эшитсам, санъатни ташлаб кетгим келади», деди. Тушунмаган одам гайирлиги келди, дейиши мумкин. Йўқ, асло! Отажон «Устозларнинг олдида биз киммиз, ашула айтсак, уларга етказиб айтишимиз керак, етказа олмасак, бошқа иш қилганимиз маъқул», демоқда эди.

Мардона айтилган гап. Мана, бугун, кўпчилик ҳофизлар Комилжон ака, Жўрахон ака, Ҳожиҳон ака, Таваккал ака куйлаган кўшиқларни бемалол куйлаб, такрорлаб юришибди. Майли, куйлашсин, аммо асл нусха пардасига етмаган ижронинг умри узоқ бўлмайди. Шунини унутмаслигимиз керак.

Отажон «Самарқанд ушшоғи»ни, «Тошкент ироғи»ни, айниқса, она-суворани маромига етказиб куйларди. Унинг овози, иқтидори айни шундай салобатли кўшиқлар учун яратилгандай эди-да. Бир концертда ундан ҳадеб енгил, шўх кўшиқларни талаб қилишаверган экан, Отажон ички бир хўрсиниқ билан: «Ҳали «Сувора»ларни соғинадиган замонлар ҳам келади», дебди. Мана, Оллоҳга шукурки, шундай замонлар ҳам келди.

Шоир Омон Матжоннинг бир шеъри бор, маъноси Хоразмда тоғлар йўқ, аммо тоғ келбатли ҳофизлари бор. Бу - жуда топиб айтилган гап. Комилжон ака, Ҳожиҳон

ака, Отажон Худойшукуров унча-мунча тогдан қолишмайдиغان санъаткорлар эди...

* * *

Ўзбекистон халқ артисти Камолиддин Раҳимовнинг шоир Зиёвуддин Мансур билан суҳбатидан:

«— Биласизми, Зиёвуддин, Хоразм асли санъаткорлар юрти. Бу ерда қўшиқ куйлашни, рақсга тушишни қойиллатмайдиغان одамни топиш қийин. Бу ҳам Худонинг бир инъоми-да.

— Тўғри айтдингиз, Камолиддин ака, хоразмликлар ашула айтишса, жас «аппариб» айтишади-да.

— Ҳа, шундай. Ман сизга айтсам, қовунни полизнинг ўзида еган одам мазза қилганидай, ашула эшитаман деган киши Хоразмга бориб, жойида эшитиши керак, зўр ҳофизлар ўша ерда. Бири иккинчисидан қолишмайди.

— Зўрлари Хоразмда бўлса, мундайроқлари қаерда?

— Мундайроқлари бошқа шаҳарларда...».

* * *

— Отажон Худойшукуров қўшиқларини болалигимдан суяман, — деб ҳикоя қилади тўрткўллик таниқли журналист Ширин Раззоқова. — Бу дилбар, Аму сувларидай ўйноқи, Хоразм лазгисидай шўх қўшиқлар кўплар қатори менинг ҳам қалбимни ром этган. Унинг «Сувора»лари, «Сенингдек», «Нигоримга», «Ўйлайман», «Жайхун шамоллари», «Сўйла гўзал» қўшиқлари муҳбир сифатидаги сафарларимиз чоғи юракларни сел қилиб, манзилга еганимизни ҳам билмай қолар эдик.

Талабалик йилларимизда «Табассум қил» қўшиғи ёшлар орасида роса машҳур булиб кетганди. Ёшлар шаҳарчасидаги ётоқхоналарда бу қўшиқ кунора жаранглаб турарди. Шу йиллари Отажон оганинг «Ширин» қўшиғи ҳам талабалар орасида урф бўлди. Қўшиқни эшитиб, кўнглим тоғдай кўтарилар, ундаги қалбга яқин сатрларни эшитиб қувонардим. Боз устига ҳамхона қиз-

лар «Ҳамюртингиз сизга атаб қўшиқ куйляпти» деб, мени қувонтиришарди. Отажон оганинг ҳар бир қўшиғи ўз тингловчисини тонган эди. Санъаткор тингловчи кўнглидаги армон, ҳис-туйғуларни, бахтдан ҳаприқиб кетган юракларнинг тугёнларини сози ва овозида муҳассамлаштира олган эди. Унинг қадрдон дўсти, хоразмлик шоир Ошиқ Эркин ёзганидай:

Дилрабо санъат чаманида йўл бўлсин булбулларга,
Ҳофиз қўлга тор олганда қуйилар дилга шуъла.
Бир умр завқ ато этар ишқ тўла кўнгишларга,
Отажонбой айтиб қўйган ҳар бир қўшиқ, ашула!

Отажон огани оила аъзолари, дўст-қадрдонлари ҳамиша ҳурмат ва соғинч билан эслайдилар. Айниқса, журналист синглицси Лолахон Оллашукурова оғаси ҳақида доимо фахрланиб гапиради. Турмуш ўртоғи Қувонч опа санъатни тушунган аёл. Отажон оганинг санъаткор бўлишига сабабчи тоғаси, раҳматли Йўлдош Оллашукуровнинг барча фарзандлари оғаларининг руҳларини шод этиб юрадилар. Улар орасида ҳам Отажон ҳофизнинг издошлари кўп. Раҳматли Рустамбой оғаси ёнида доирачи эди. Суҳробжон ҳам санъат йўлини танлади. Анвар Худойшукуровнинг Тўрткўлда, Хоразмда, Қорақалпоғистонда, қўшни Тошҳовуз вилоятида мухлислари кўп.

Санъаткорни билган, таниган, у билан дўстлашган инсонларнинг барчаси Отажон оганинг гоётда камтар, камсуқум, меҳнаткаш, ўзини ҳам, ўзгаларнинг ҳам қадрини биладиган инсон бўлганлигини таъкидлашади. Вафотидан уч-тўрт йил олдин тўрткўллик устоз журналист Саттор Рўзимбетов, маданият ходими Раимбой Хайитовлар Отажон ога билан учрашув ташиқил этдилар. Ёзувчи-шоирлар, мухлислар қатнашган бу ҳаяжонли давра ҳозиргидек ёдимда. Ҳофизни тинглар эканман, унинг кенг мушоҳадали инсон эканлигига ишонч ҳосил

қилганман. Унинг камтар қиёфаси ҳаммада илиқ таас-
сурот уйғотганди. Балки унинг етук санъаткор бўлиб
етишишининг сабаби ҳам шундадир?!

Отажон Худойшукуровдек катта мартаба соҳиби
бўлиш ҳар кимга ҳам nasib этавермайди. Тўрт респуб-
лика ҳукуматининг юксак унвонлари билан мукофотла-
ниши, халқ назарига тушиб, қўшиқлари ҳамон эл-элат-
лар оша янграб туриши — унинг улуг ҳофизлар қатори-
дан ўзига муносиб жой ҳозирлаб кетганидан далолат-
дир. У қисқа умр кўрса-да, Жайхундай жўшиб яшади,
жўшиб куйлади».

— «Оҳанглар силсиласида ажиб бир тилсим бор, у ҳам
бўлса, шоду афсурда рангланадиган хотиралар, хаёллар
манзарасидир, — дейди таниқли драматург ва шоир Ко-
мил Аваз. — 1995 йилнинг охирларидамикан, қай бир тонг
чоғи қўшиқ тинглаб, ҳаёлимда Отажон айланаверди. Ур-
ганчга келганида истиқомат қиладиган жойи бизга яқин,
чойга айттириб, бировни юборсамми дея хаёлландим-у,
бирдан унинг орамизда йўқлиги, яқиндагина бандаликни
бажсо келтирганини эслаб, титраб кетдим. Бехосдан ушбу
мувашишаҳ сатрлари қўйиб келди:

Осмон маҳобатли юксаклигидан,
Тонгдан тўйиб бўлмас лаззатли чоғлар.
Ахир сен-да, ёрқин юлдузлигиндан,
Жозибсан, ошоқда қолмиш не тоғлар...
Оташ дея эдик сени эркалаб,
Наволигимиз навонгдан ҳар эрталаб.

Отажонни қўлига илк бор тор олиб давраларга чиқ-
қан вақтидан билар эдим. Тошкентда талабалик даврим
эллигинчи йилларнинг охири, олтмишинчи йилларнинг
бошига тўғри келди. Ўша пайтда Отажон билан бирга
таҳсил олаётган (ҳозирда етук ҳофиз) дўстим Ҳасанбой
Каримов уни бизнинг ётоқхонага бошлаб келган эди.
Ёшлик ўзи бир гўзаллик, бетакрор завқ-шавқ олами.

Отажоннинг ўзига ярашган чақноқ кўзлари ҳаминша
шодликка мойил кулиб турарди. Унинг кулгусида ҳам
ўта самимийлик, кишини ўзига ром қиладиган, яқин қили-
диган ажиб бир ифода бор эди. Ана шу самимий ифода
уни ижод ва инсонийликнинг юксак поғоналарига кўтар-
ди. Отажон камгап, мулоҳазали, ростгўй инсонлиги би-
лан ҳаммага бирдай маъқул эди. Мен унинг биров би-
лан уришганини ёхуд кимнингдир устидан гийбат қил-
ганини эшитган эмасман. Кўп вақти Жайхуннинг бери-
ги тарафида, Хоразмда, дўстлар даврасида ўтарди. Ҳам-
маслаклик, чиройли суҳбатлар, Маркес Жуманиёзовнинг
теша тегмаган гурунгларига ошуфталик, Ошиқ Эркин,
Ғани Дўстжон, камина ва бошқа ижодкорлар иштиро-
кидаги мушоиралар, ўзи янги ижро қилган ашула атро-
фидаги қизгин муҳокамалар, юракларнинг ҳаприқтира-
диган мумтоз оҳанглар, уларнинг ижрочилари — Ҳожи-
хон, Комилжон акаларининг давралари, хуллас Отажон
баҳона ажиб бир ижодий муҳит дилларимизга хуш кай-
фит бахш этар эди.

1973 йилнинг 30 декабри. Янги йил арафасида туман-
ларда ҳосил байрамлари баравж, давралар кенг, қиш-
нинг қорли аёзи ҳам ўзига яраша шукуҳли. Биз бир гуруҳ
дўстлар Маркес Жуманиёзов, Шокир Матниёзов ва ка-
мина Шовот туманига янги раҳбар этиб сайланган Ра-
йимбой Тоировни қутлаб, Комилжон ака Отаниёзов
ҳамда шогирди Бобомурод Ҳамдамов, Отажон Худой-
шукуровнинг ширали овозларидан баҳраманд бўлгач,
қоронгу тушганда Урганчга қайтдик. Қайтишда сафи-
мизга Отажон Худойшукуров ҳам қўшилди. Шаҳарга
яқинлашганимизда:

— Маркес ака, устозимиз Полвон Назаров яқинда ва-
зифасидан бўшагани боис туманларда бўлаётган ҳосил
тўйларини телевезор орқали кўриб, хўрсиниб ўтирган
бўлса керак. Би-ир кириб, кўнгил сўраб ўтсак ёмон
бўлмасди, — дедим. Машинада ажойиб гурунг бериб
келаётган Маркес ака:

— *Комилжон, ина бу гаптингиз ниҳоятда маъқул! — дея бирдан яйраб кетди-да: «Отажонбой, нима дедингиз?» — деди.*

— *Маркс ога, сиз на десангиз, шу! — деди Отажон.*

Полвон ака бизни кўриб, мамнун бўлди. Биз устознинг қадрини баланд тутиб, қадаҳ сўзлар айта бошладик. Базм сал авжлангач, Маркс ака:

— *Ёшулли, Отажонбой бир хиргойи атса, ничук бўлар экан? — деди. Полвон ака аввал Маркс акага, кейин бизларга қаради, завқланиб, овозини баландлатди:*

— *Бу уйдан саз саси чиқмаганига йигирма беш йил бўлди. На десангиз шу, жўралар. Қўрқиб яшадик, совуқ бўлса ҳам очинг деразаларни! Отажоннинг овозини бутун маҳалла эшитсин. Бизнинг уйдан ҳам саз саси чиқини одамлар билсин! Мен шидан бўшаганимга ҳеч кимдан хафа эмасман, қарийб чорак аср раҳбарлик қилдим. Энди ёшлар ишласин, сизлар ишланг! Сизнинг камолингизни кўриб, кўксимиз тогдай кўтарилсин! Қани, Отажон, торни ол! Бос кўшиқни! Авж билан айт!*

Полвон ака гапиратиб кўзлари андак ёшланди. Бу биздан, шогирдлардан хурсандлиги аломати эди. Отажоннинг завқи ошди, торни «уч қўл»га — «до»га тортиб таранглади-да, «Самарқанд ушшоги»ни бошлади. Хонанинг тўрт бурчагида тўртовимиз: Полвон ака, Маркс ака, Шокир ва камина бир ўйин қилдик, асти қўя берасиз.

Отажон бирор кўшиқни мукамал эгалламагунча халқ олдига чиқмасди, шошилмасди. Салдомли кемадай, улкан ижод уммонида устозларнинг хурматини жойига қўйиб яшади...».

* * *

Тўрткўллик шоира Гулчеҳра Раҳимова ҳикоя қилади:

— *Отажон Худойшукуров ҳақида фақат «Овози булбулдек машҳур ҳофиз эди», деган сифатнинг ўзи камлик*

қилади, У одамишаванда, халқи учун қайишадиган, ёрдам қўлини беминнат чўзадиган, машҳурман, деб кеккаймасдан, мискинлар ҳолидан ҳам хабар оладиган, ёр-дўстларига меҳрибон, ўзига нисбатан талабчан, кўшиққа матн танлашига келганда инжиқ, қаерда, ким билан мулоқотда бўлмасин, сўзили ўйлаб гапира биладиган, чиройли ва озода кийиниб юрадиган, эшикдан биров кириб келса — танишим ёки нотанишим — очиқ чеҳра билан, қучоқ очиб кутиб оладиган, тўй-ҳашамларда, катта маросимларда, саҳнада ўзини ўзидек, яъни «Отажондек» тута биладиган, ўзлиги бор инсон эди.

Ҳофиз билан, гарчи неча йиллар бир маҳаллада яшасам-да, унинг булбулдек фусункор овози таъсиридами, эжуръат қилиб, устозга шеър кўрсатмаганман. Ҳеч кимникига ўхшамаган оҳанграбо овози нафақат менга, жаммики мухлисларга яхши кайфият бахш этиб, яшашга умид уйғотишининг неча бор гувоҳи бўлганман, ахир. Унинг кўшиқларини ёш ҳам, кекса ҳам, ишчи-ю амалдор ҳам, чўпон-чўлиқ, пахтакор, фазогир, кўшиқ матнини чуқур англаб етмайдиган бошқа миллат вакиллари ҳам дили сел бўлиб тинглашарди. Ич-ичидан қайнар булоқдек тошиб чиқаётган мўъжиза овоз эди. Йиллар, асрлар ва авлодлар оша сайқалланиб, мукаммаллашиб келаётган миллий санъатимиз Отажон Худойшукуров сиймосида ва овозида янада камолга етганди десак, муболага бўлмайди.

Бир гал иш юзасидан йўлим Нукусга тушиб, автобус бекатида турсам, одамлар орасида энди поезддан тушган, оқ сариқдан келган, эгнидаги узун палтоси ўзига жуда ярашиб турган, уёқ-буёққа аланглаб, ниманидир сўрашига истиҳола қилаётган қирқ ёшлар чамасидаги истараси иссиқ бир одам диққатимни тортди.

— *Опа, Тўрткўлга борадиган автобус бекатини тополмай турибман, — деди у дабдурустдан менга юзланиб. Нотаниши йўловчига бекатни кўрсатиб юборар экан-*

ман, ундан Тўрткўлга кимникига келаятганини сўрадим.
У кўзлари маънос тортиб: «Отажон ҳофиз бетоб бўлиб
қолибдилар. У кишини зиёрат қилгани келаятман. Қаш-
қадарёданман. Бу томонларга биринчи бор келишим.
Ҳофиз билан таниши эмасмиз, аммо санъати шайдосиман.
Қўлларини олсам, деб йўлга чиқдим, — деди.

Мана сизга меҳр-оқибат, чинакам ихлос.

Шундай одам, дилбар овоз соҳиби дунёдан ўтди. Ос-
монда чақмоқдек чақнаб, довулдек сурон солиб ўтди-
кетди. Унинг умри садоқатли шогирдлари овозида, мух-
лислари қалбида ҳамиша сақланиб қолади.

— Ҳой йўловчи, ким деб бедор жон,
Рангинг синиқ тилсиз фарёддан?
— Касал бўпти ҳофиз Отажон,
Келдим елиб Қашқадарёдан.

— Учрашаркан меҳр ва ихлос,
Ўша ҳофиз, айт, сенинг киминг?
— Уни яхши биламан, холос.
Овози-ю, фақат исмини...

Чиқмаган у тўрга ўрмалаб,
Сасга қанча дунёлар тўлди.
Яқинидан битта мўралаб,
Дийдорини бир кўрсам бўлди...

...Ҳофиз ўтди... ост-устун фалак,
Қўшиқ изи бўлмайди адо.
Отажон-чун ҳамон чархпалак,
Чин мухлислар зор тўрт қитъада.

Кимнинг тор кўз, мушти юмилди,
Қолган обрў селда, жалада.
...Энди унинг порлоқ умиди,
Ўзи ётган Эллиққалъада.

Халқ ҳофизин қилар дунё ёд,
Ўлмас асло фусункор санъат.
Изи обод, охират обод,
Ўзбекистон — ҳур юрти жаннат.

Тинчлик гамин еганлар қанча,
Қўли, боши, оёғи йўлда.
Ҳув, хорижда деганлар қанча:
«Ҳофиз юртин бир кўрсам бўлди...».

* * *

Гулчеҳранинг «Энди унинг порлоқ умиди — ўзи ётган
Эллиққалъада...», «Ҳув хорижда деганлар қанча —
ҳофиз юртин бир кўрсам бўлди...» деган сатрлари зами-
рида катта маъно бор. Истиқлол йилларида бутун мам-
лакатимизда бўлганидек, қадим Қорақалпоқ тупроғи-
да, хусусан, Эллиққалъада ҳам буюк ўзгаришлар юз
берди. Собиқ тузумнинг калтабин сиёсати туфайли
Оролбўйида юз берган экологик ҳалокат оқибатлари
нечоғли жиддий бўлмасин, қорақалпоқ ҳалқи давлати-
миз раҳбарининг алоҳида меҳри, эътибори, ҳукумати-
миз белгилаётган чора-тадбирлардан руҳланиб, жами-
ят ҳаётини ислоҳ қилиш, янги ёш авлодни тарбиялаш,
буюк келажакимизнинг мустаҳкам иқтисодий-маънавий
асосларини яратиш йўлида ҳормай-толмай меҳнат қил-
моқдалар. Қорақалпоғистонлик ёшлар илм-фан, бади-
ий ижодкорлик, амалий ва тасвирий санъат соҳаларида
жиддий ютуқларни қўлга киритишаётгани айниқса қувонар-
ли. Кейинги йилларда биргина Эллиққалъа тумани-
дан бир қатор ёш ижодкорлар етишиб чиқди. Бу ерда
Отажон Худойшукуров хотирасига бағишлаб ўтказила-
ётган йиллик анъанавий танлов, шоир ва ёзувчиларнинг
«Ақчақўл илҳомлари» учрашувлари миллий мадания-
тимиз ва санъатимиз дарёсини янги ирмоқлар билан
тўлдирмоқда. Бу ерга келиб, қадим қалъалар қошида

хаёл сурмаган, олис мозийнинг нафасини ҳис этмаган ижодкорларни топиш қийин. Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири Абдулла Орипов, халқ шоирлари Жуманиёз Жабборов, Муҳаммад Юсуф, Сирожиддин Саййид, Тўлан Низом, Маҳмуд Тоир, Усмон Азим, шоирлар Эркин Самандар, Тошпўлат Аҳмад, Ошиқ Эркин, Азим Суён, Матназар Абдулҳаким, Мирпўлат Мирзо, Комил Аваз, Турсун Али, Қўчқор Норқобил, Хосият Рустамова, Салим Ашур, Рустам Мусурмон ва яна бошқа кўплаб ижодкорлар мовий Ақчақўл бўйида, Аёзқалъада илҳом билан ҳароратли сатрлар битишган. Андижонлик шоир Шукур Қурбоннинг Эллиққалъага саёҳати натижасида «Эллиққалъа дафтари» номли тўплам юзага келди.

Ўзбекистон халқ шоири Сирожиддин Саййиднинг мана бу сатрлари кўнгилда мунаввар туйғулар уйғотади:

*Азиз бўлди бу тупроқ ҳам —
Дилимдан саҳфалар кўмдим,
Саҳифа сингари саҳросида ҳам
қалъалар кўрдим.
Қуёшли қалъалардай қалбларин
қошида ўй сурдим,
Азиз инсонларин сиймосида ҳам
қалъалар кўрдим.*

Эллиққалъалик ижодкорлар ҳам бу мавзуда дадил қалам тебратмоқдалар. Шу ерда туғилиб ўсган иқтидорли қалам соҳиби, Қорақалпоғистон Ёзувчилар уюшмаси раиси ўринбосари, Отажон Худойшукуров номидаги жамғарма масъулларидан бири Янгибой Қўчқоров атоқли ҳофиз ҳамюрти ҳақида «Отажоннинг олтин сози» достонини ёзиб, кўп хайрли иш қилди. «Ақчақўл илҳомлари», «Эллик наво», «Ақчақўл оҳанглари» тўпламларини тайёрлаш ва чоп этишда югуриб-елди. Кейинги йилларда туман ёшлари орасидан бир гуруҳ истеъдодли

қаламкашлар етишиб чиқаётгани ҳам қувонарли бир ҳол. Улар орасида Машҳура Шарипова, Манзура Эгамбердиева, Хурсанд Каримов ва бошқалар бор.

Ақчақўл — донишманд Оролнинг кичик бир қатраси, қирғоғига яхши ниятга келган ҳар бир инсонга бағрини очади, дилини мунаввар туйғулар билан ёритади...

Шу сатрларни қоғозга тушираётганимда, радиодан Отажоннинг овози янграб қолди.

*Умр қисқа, манзил узоқ,
Йиллар биздан кетар йироқ.
Мангу қўшиқ каби гувлаб,
Эсар Жайхун шамоллари.
Эллар нур олур нозингдан,
Улуг дарён азимдан.
Қорақалтоқ, Хоразмдан
Эсар Жайхун шамоллари...*

Беихтиёр ҳофизнинг бошқа, дил-дилимизга сингиб кетган қўшиқларини эслайман. Улар гўё Отажон учун айнан ёзилгандай, Отажоннинг дардларини, кўнгил изҳорларини ошкор қилаётгандай туюлади: «Сочларингга тушса ҳамки оқ, пешонангни босса ҳам ажин, кирганда ҳам гавдамга титроқ, эшигингдан ўтарман бир кун...» ёки: «Умр - йўл, қайрилиш кўп, учрашиш, айрилиш кўп. Унутиш, айтилиш кўп, лекин ҳеч қачон чиқмас ёдимдан, сенинг юришларинг, сенинг кулишларинг... (Омон Матжон шеърлари).

Ҳа, умр, чиндан ҳам йўл, бизлар эса — йўловчи. Бир қарасанг, бу йўлнинг адоғи йўқдай — отда чопсанг ҳам, қуш бўлиб учсанг ҳам охири кўринмайди. Бир қарасанг, йўлга отланишингга арзимайдиган масофа — Махтумқули бобомиз айтганидек, «чапингдан ўнгингга боққанча бўлмас». Боз устига, айрилишу қайрилишлари, ногаҳоний зарбалари, ўйдим-чуқурлари кўп. Гоҳ ёлғизлик

азобидан эзиласан, йўлингдан адашасан, гоҳ хуш-нохуш кимсаларга дуч келасан, ойлаб, йиллаб сафардошлик қиласан. Бошқа йўл йўқ, чора ҳам йўқ.

Умр йўли ким учун узун, ким учун қисқа. Бу йўлда ҳамма бир томонга қараб юради, бир манзил сари интилади, ортга қайтиб бўлмайди. Умр асли бир савдо. Ғафғоли савдо. Шу савдо битгунича йўловчилик қиламиз. «Қудрат котиби» пешонамизга ёзганини кўрамиз. Рўзи қиёматгача шундай бўлади.

Отажон ҳофиз ўзининг унча узун ва унча текис бўлмаган умр йўлини одоб, ҳиммат ва ғурур билан босиб ўтди. Начора, у ҳам бу фоний дунё йўлларидаги бир йўловчи эди-да. Таскин шуки, унинг эзгу амаллари, чақмоқдек умри, гўзал қўшиқлари умр йўлларида ҳали давом этаётган йўлчи мухлислари, эл-юрти хотирасида узоқ вақт сақланиб қолади. Биз унинг «Сувора»ларини ҳали кўп соғинамиз.

2009 йил, март - сентябрь

Бадиий-публицистик нашр

АҲМАДЖОН МЕЛИБОЕВ

«СУВОРА» СОҒИНЧИ

Муҳаррир
Маъмура ҚУТЛИЕВА

Техник муҳаррир
Вера ДЕМЧЕНКО

Мусаҳҳиҳ
Наврўз БЕКМУРОДОВ

Саҳифаловчи
Феруза БОТИРОВА

Босишга 12.11.2009 й.да рухсат этилди. Бичими 84x108 1\32.
Босма тобоғи 2,5. Шартли босма тобоғи 4,2.
Гарнитура «LexTimes Cyr+Uzb». Офсет қоғоз.
Адади 500 нусха. Буюртма № 281.
Баҳоси келишилган нархда.

«Янги аср авлоди» НММда тайёрланди.
«Ёшлар матбуоти» босмахонасида босилди.
100113. Тошкент, Чилонзор-8, Қатортол кўчаси, 60.

Мурожаат учун телефонлар:

Нашр бўлими – 278-36-89; Маркетинг бўлими – 128-78-43
факс — 273-00-14; e-mail: yangiasr@inbox.ru